O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Куч—адолатда

Адолат

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ✡ 2000 йил, 29 сентябрь ✡ Жума кунлари чиқади № 35 (270) ✡ Сотувда эркин нархда

● Бугун Тошкентда Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партиясининг IV пленуми бўлиб ўтади.

(Бу ҳақдаги материаллар билан газетамизнинг кейинги сонида танишасиз).

БИЗ БИР ҚУШНИНГ ИККИ ҚАНОТИМИЗ

26-27 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Қирғизистон Республикасида бўлди

Бишкек сафарининг айни шу кунларда амалга оширилишида катта рамзий маъно бор. Ўтган йилги Боткен воқеалари, бу йил Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг жанубий ҳудудларига террорчилар бостириб киргани ўзаро муносабатларда жиддий бурилиш ясади. Бу бурилиш расмий тарзда ўзининг ҳуқуқий асосига ҳам эга бўлиши, қолаверса, кейинги ўзгаришлардан чиқарилган хулосалар умумлаштирилиб, йиғилиб қолган масалаларни баҳамжиҳат ҳал қилиб олиш зарур эди. Бишкекдаги музокараларда томонларнинг диққат-марказида турган энг асосий масалани учрашув якунида қабул қилинган ҳужжатдан билиш мумкин. Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида Ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани Марказий Осиёнинг тўрт давлати – Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентларининг шу йил Тошкенда бўлган учрашуви якунида қабул қилинган ҳужжатнинг мантиқий давоми, деб ҳам айтиш мумкин. Ушанда террорчилик, экстремизм ва минтақа барқарорлигига тахдид солаётган бошқа хавф-хатарга қарши биргаликда чора-тадбирлар кўришга келишиб олинган эди. Минтақа давлатларининг икки томонлама асосда ҳарбий ҳамкорлик бўйича келишувга келишиши яна шунинг учун ҳам муҳимки, сўнгги йиллардаги қўзатишлар турли минтақавий тузилмаларнинг самарали фаолият кўрсатмаётганини намоён этди. Дейлик, МДҲ доирасида қабул қилинган коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома шу вақтгача кўзга кўринарли иш бергани йўқ. Ўзбекистон шунинг учун ҳам ундан чиқди. Кейин эса Россия билан икки томонлама асосда Ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик борасида шартнома қабул қилинди. Бугун навбат Қирғизистонга келди. Хулоса шуки, аслида кўп томонлама асосда ялпи келишувга эришиш ва ундан самара кутиш учун аввал икки томонлама келишиб олиш керак. Чунки икки мамлакат ўртасидаги ҳужжат ҳар томонлама ўйланган, икки томоннинг ҳам манфаатлари инобатга олинган ҳолда тузилади. Кейин бирор шарт бажарилмаганда, бемалол даъво қилиш мумкин бўлади. Авваламбор, шартлар бажарилмай қолмайди, чунки ҳужжат қабул қилингунга қадар барча имкониятлар ўрганиб чиқилади ва имконият даражасидаги вазифаларгина зиммага олинади.

Қирғизистонда президентлар имзо чеккан иккинчи ҳужжат ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган Қўшма баёнот бўлди. Музокараларда таъкидланганидек, бугунги кунда Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги муносабатларда масалаларга амалий ёндашиш устуворлик касб этмоқда. Ҳозир қандай масалалар ечимини кутяпти? Аввало, бир-бирини тўлдирувчи соҳалар бўйича алоқаларни тартибга солиш керак. Масалан, Ўзбекистондан Қирғизистонга газ узатиш ё Қирғизистоннинг сув-энергетика заҳираларидан унумли фойдаланиш масаласини олайлик. Ўзбекистон электр қуввати ишлаб чиқариш учун газ ёқади. Газ эса қайта тикланмайдиган табиий модда. Иккинчидан, газ – валюта. Қирғизистонда эса электр қуввати ишлаб чиқариш имконияти катта. Лекин электр қувватини бирор омборда сақлаб бўлмайди, ўзидан ортганини фақат сотиш керак. Ҳаридор бўлмагани сабабли корхоналар тўла қувват билан ишламаяпти. Шуни ҳисобга олиб, музокараларда газ ва электр қувватининг олди-бердиси тартибини қайта кўриб чиқишга келишиб олинди.

Транспорт коммуникацияси соҳасида ҳам ечимини кутаётган масалалар бор. Тошкент – Андижон – Уш – Иркиштон – Қашқар йўналиши бўйича автомобиль ва темир йўл транспорти қатновини йўлга қўйиш ва шу орқали Европа билан Осиёни боғлайдиган улкан Париж – Пекин магистралини тугатиш икки мамлакатга ҳам катта фойда келтиради. 2-3 йил бурун Ўзбекистон ҳукуматининг кўмаги билан бу магистралнинг Қирғизистондан Хитойгача бўлган қисмида қурилиш ва тиклаш ишлари бошланган эди. Лекин тоғли ҳудудларга террорчилар бостириб киргани, бу хуружнинг оқибатлари туфайли сўнгги вақтларда ишлар сусайиб қолди. Бишкекдаги музокаларда томонлар икки қитъани боғловчи бу магистралнинг аҳамияти юқори эканлигини таъкидлаб, мулжалдаги ишларни ниҳоясига етказиш борасида ўзаро келишиб олди. Шунингдек, Қирғизистон Президенти Аскар Акаевнинг Жалолобод – Уш йўналиши бўйича поезд қатновини ташкил қилиш борасидаги таклифи маъқулланди.

Икки мамлакат делегацияларининг музокаралари якунида Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида Консуллик конвенцияси, адлия вазирликлари ҳамда божхона хизматларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги битимлар ҳам имзоланди. Бу ҳужжатлар ҳам бугунги куннинг талабидан келиб чиққан ҳолда тузилган. Масалан, визали тартиб ўрнатилганидан кейин, албатта, икки мамлакат ўртасида консуллик конвенцияси имзоланиши, фуқаролар борди-келдисининг ҳуқуқий асоси яратилиши керак. Божхона соҳасига тегишли ҳужжат эса, ўзаро савдо-сотиққа халал бераётган турли бож тўловларини, чегарадан маҳсулот олиб ўтиш тартибини енгиллатишга, бошқа муаммоларни бартараф этишга қаратилган.

Президент Ислом Каримовнинг Бишкек сафари ғоят сермазмун, икки мамлакат учун фойдали натижалар билан якунланди, десак муболаға бўлмайди. Давлатимиз раҳбари Бишкекка жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида интервью бераётиб, ўзбек ва қирғиз халқларининг азалий дўстлиги ҳақида сўзлаган эди. Бишкек сафари бу азалий дўстлик нечоғлик мустаҳкам эканини кўрсатди. Биз бир-биримизга кераклигимизни, ҳар қандай шароитда елкадош бўлишимиз зарурлигини унутмаймиз. Ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бир-биримиз учун хавфсизликнинг қўшимча кафолати бўлади. Қўшни, хавф келганда, қўшнисини ёлғизлатиб қўймаслиги расмий ҳужжатда ўз аксини топди. Бошқа ҳужжатлар ҳам азалий қардошлик ва биродарлик руҳидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Қирғизистон пойтахтининг кўчаларида Ислом Каримовнинг «Ўзбек ва қирғиз халқларининг тарихи чамбарчас боғлиқдир», «Ўзбек ва қирғиз халқлари бир қушнинг икки қанотидир» деган иборалари ёзилган шиорларни кўп учратиш мумкин. Ташриф натижалари бу иборалар бежиз айтилмаганидан дарак беради.

Партия ахборoти

ЯНГИ КОТИБЛАР САЙЛАНДИ

Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилоят партия Кенгашининг II Пленуми бўлиб ўтди. Пленум кун тартибига «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг III сессиясида сўзлаган нутқи ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ўзбекистон фуқароларига, барча мамлакатларнинг парламентларига, жаҳоннинг тараққийпарвар жамоатчилигига мурожатномаси тўғрисида»ги масала киритилди. Ушбу масала юзасидан «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши котиби Равшан Ҳайдаров маъруза қилди.

У ўз сўзида ютрбошимиз ва мамлакат ҳукуматининг давлат чегараларини мустаҳкамлаш, Ватанимизни халқаро террорчилар тажовузларидан ҳимоя қилишни таъминлаш, ақидапараст кучларнинг бузғунчилик ҳаракатларининг олдини олиш, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш борасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаб, аҳолининг ҳушёрлигини ошириш, диний экстремистик ғояларнинг жиноятқорона моҳиятини очиб ташлаб, уларни фош этиш бўйича ташвиқот-тарғибот ишларини кучайтиришга, ёшларнинг ҳуқуқий, сиёсий маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирларнинг самарадорлигини оширишга чақирди.

Маърузачи, шунингдек, вилоят партия ташкилоти фаолиятига тўхталиб, ташкилий ва мафкуравий ишларини таҳлил қилиб ўтди. Бу ишларни амалга оширишда йўл қўйилган камчилик ва сусткашликка эътиборни қаратди.

Муҳокамада сўзга чиққан Иштиҳон тумани партия Кенгашининг биринчи котиби Мўмин Чинниев, Жомбой тумани партия Кенгашининг биринчи котиби Сайфулла Саидов, Самарқанд Давлат тиббиёт институти кафедра мудири Наим Содиқов, вилоят молия бошқармаси бўлим мудири Саҳобиддин Орзуқулов жойларда фуқароларнинг огоҳлигини ошириш, диний ақидапарастлик ғояларига қарши тарғибот ишларини янада кучайтириш ҳамда ташкилий фаолиятларидаги ютуқ ва камчиликларни бартараф этишни таъкидлашди.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. Самарқанд вилояти партия Кенгаши котиблари ўзгартирилиб, биринчи котиб этиб «Самарқандавтогаз» вилоят бўлими бошлиғи Жуманиёз Алибеков, иккинчи котиб этиб партия Кенгашининг собиқ биринчи котиби Ўтамурод Нурмуҳамедов, вилоят партия Кенгаши котиби этиб вилоят адвокатлар ҳайъати адвокати Ҳайдар Исломовлар сайландилар.

Пленум ишида Самарқанд вилояти ҳокимиятининг масъул ходими Маҳмуд Бобоёров қатнашди ва сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз.

ТАНИШИНГ: Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси Самарқанд вилоят Кенгашининг биринчи котиби Жуманиёз Алибекович Алибеков.

Жуманиёз Алибеков 1952 йили Бухоро вилоятининг Навоий туманида колхозчи оиласида туғилган. Ўрта мактабни тугаллаб 1974 йили Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институтига кириб ўқиган. Олий маълумотли қурувчи-муҳандис. Иш фаолиятини институтнинг темир бетон ва тошконструкциялар кафедрасида ассистенликдан бошлаган. 1971 йили Киев автомобиллар институтида аспирант бўлган. Турли вазифаларда ишлаган. Айни пайтда «Самарқандавтогаз» масъулияти чекланган жамиятнинг раиси.

Куни кеча Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Самарқанд вилояти партия Кенгашининг бўлиб ўтган II Пленумида вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

ИШБИЛАРМОНЛАР МАРКАЗИ

Республика Адлия вазирлигида мамлакатимиздаги россиялик ишбилармон доиралар вакилларининг нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида тузилган «Россия Ишбилармонлар Маркази» бирлашмаси рўйхатга олинди. Россия федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Рус маданий маркази, Рус Проваслав Черковининг Тошкент ва Ўрта Осиёдаги епархияси, «Техмашипекс» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти (Россия) ҳамда ўзбек-россия «Бахтсельмаш» қўшма корхонаси ушбу марказ муассислари бўлишди. Шу муносабат билан Россиянинг Тошкентдаги элчихонасида матбуот анжумани ўтказилди.

— Бундай ташкилотни яратиш зарурати анчадан буён етилиб келаётганди, чунки мамлакатимизнинг бой салоҳиятидан тўлалигича фойдалана олмаяпмиз, — деди Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Дмитрий Рюриков. — Марказнинг асосий вазифаси россиялик ишбилармонларга Ўзбекистонда муваффақиятли фаолият юритишларида, ўзбекистонликларга эса Россиядаги фаолиятларида кумаклашишдан иборат. Мазкур марказ Россия ва Ўзбекистон ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиб, корхоналарга инвестиция ва иқтисодий дастурларни амалга оширишда ёрдам беради. Бундан ташқари, ўзаро ҳисоб-китоблар муаммосини ҳал этиш, ўз аъзоларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ва уларга зарур маслаҳатларни бериш каби ишлар билан ҳам шуғулланади. Шунингдек, «Россия Ишбилармонлар Маркази» иқтисодий ҳамкорлик бўйича Россия—Ўзбекистон ҳукуматлараро қўшма комиссияси ишининг доимий иштирокчиси ҳам бўлиши шарт.

Бўка туманидаги Ғ. Азаматов номли ширкатлар хўжалиги аъзолари бу йил астойдил меҳнат қилиб, барча пайкалларда мўл ҳосил етиштирдилар. Айни кунларда хўжаликда пахта йиғим-терими зўр уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Теримчиларга яратиб берилган қулай шарт-шароит, терилган пахта учун ҳар беш кунда даланинг бошида ҳақ тўланиши одамларнинг ғайрат кўрсатиб ишлашига омил бўляпти. Шунинг учун ҳам хўжалик миришкорлари туманда шижоат кўрсатишиб, доимо илғорлар сафида боришяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Теримчилар беш кунда терган пахталари пулини олишмоқда. 2. Теримда фаол иштирок этаётган шифокорлардан Феруза Ўсарова, Мастура Саидраҳмонова ва Ҳамида Умарова. 3. Пешқадам бригада бошлиғи Олим Ғиёзов. 4. Илғор теримчи Марғуба Бобоқулова.

Эркин БОТИРОВ олган суратлар.

ЮРТФУРУШЛАР

Жаҳолатга юзланиб, жудоликка ғарқ бўлганлар хусусида

Памфлет

«Шундай жиноят борки, уни оқлаб бўлмайди, бу — ватанга хиёнатдир. Минг бора тарозига қўйиб айтилган, француз олими Буаст Пьерининг ушбу файласуфона фикрлари кишини жиддий ўйлантиради. Баҳорнинг эрка даракчилари бўлмиш лайлак, турна, қалдирғочлар ҳам ўз инларини «муқаддас ватаним» деб эъзозлашади. Ва инларига ҳамла қилганларни ўзларига энг «ёвуз душман» деб тан оладилар.

Мустақиллигимиз ўн ёшга қадам ташлади. Ана шу ўн йил арафасида ўзбек давлатчилиги серқирра шаклланиб, дунё тараққийпарвар сиймолари олдида ўзини нималарга қодирлигини намоён этиб келмоқда.

Ҳурлик шамоли кўкрагига теккан мамлакатимизнинг турли жабҳаларида эришаётган ютуқларидан, жаҳонда тинчлик сиёсатини олдинга суриб, минтақада тинчликни сақлаб келаётганини қўролмаётган ғанимларимиз пистирмадевор орқасида яшириниб, бизга тош отишга чоғландилар. Юз бора шукрларки, уларнинг отган дайди тошлари узларига қайтиб ер тишлаганларини бугун жумлаи жаҳон кўриб турибди. Халқимизнинг: «Ит ҳураверади, карвон эса ўтаверади», — деган доно ҳикматлари бежиз айтилмаган.

Хуллас, дунёда қулоч ёяётган халқаро терроризмга қарши Ўрта Осиё республикалари амалдаги келишувга асосан елкама-елка бўлиб қашқатқич зарбалар бера бошлади. Зотан, бирлашган ўзар, — деган сўзнинг ҳам индаллоси шу!

Муҳтарам Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бусағасида» номли асарларининг «Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» бобида «...бебаҳо қадриятлар — ўз мустақиллигимизни, жамиятда миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувликни асранг. Ўз эркимизни қандай тасаввур этиш, уни бугунги мураккаб ва баъзан шафқатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд хавф-хатарлардан сақлаш ҳар биримизга боғлиқдир» — деган башоратли қарашлари омманинг ҳушёрликка чорловчи даъватидир.

Бугунги сиёсат майдонида «Ислом экстремисти» деган хавфли ибора пайдо бўлиб қолди. Ҳўш, уларнинг ташкилотларию ва ташкилотчилари, ҳомийлари кимлар? — деган ҳақли савол кишида ўз-ўзидан пайдо бўлади.

Тараққиётнинг тарихий омиллари шуни кўрсатадики, мамлакатни гуллаб-яшнаши дунё ривожига эргашиб боришида келажак учун фидокорлик кўрсатаётган довюрак, онгли, чуқур билимли, кенг маърифатли, маънавиятли кишиларнинггина саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Қайси мамлакат ривожланишдан орқада қолаётган бўлса, билинг-ки, уша мамлакатнинг одамлари илмсиз, маънавий-маърифий дунёқараши паст бўлади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, қотиб қолган фикрлару, эски қолиплардан қутулиб қололмайди.

Афғонистоннинг асрлар узра тутиб келган салоҳиятлари ва ҳозирги иқтисодий-сиёсий ночорлиги ўзининг турли йўналишдаги характер ва ҳаракатлари билан жаҳон оммасига нималарга қодирлиги билан кўриниб қолди. Агар биз ушбу мамлакатдаги вазиятни ҳозирги нуқтаи назар билан солиштириб баҳолайдиган бўлсак, мамлакат ўз иқтисодий ривожланишини четлаб ўтиб, ер юзида наркобизнес бозорига айланди. Тўғрироғи, ер юзида гиёҳванд моддаларнинг 72 фоизини Афғонистон етказиб бермоқда.

Гиёҳванд моддалар тарқатувчи ушбу мамлакатда халқнинг ороми бузилган. Натижада жаҳоннинг энг нуфузли террористлари ана шундай нобарқарор ҳудудда уя қуриб, тинчликда яшаётган мамлакатларда таҳликали нотинч ҳолатни юзага келтиряпти. Пировард оқибатида улар тинч мамлакатларга суқулиб кириб иродаси буш, аламзада одамлардан жиноий шериклар тўплашмоқда. Бу эса террористларнинг асосий ғоявий қуролидир. Шундай қилиб, ана шу минтақаларда динни узига ниқоб қилиб олган хатарли динфуруш оқимлар майдонга келди. Хурофотга, жаҳолатга юз ўгирганлар эса, мана шундай суқир ва мантиқсиз оқимларнинг қурбони бўлмоқдалар.

Дунёнинг қайси бир бурчагида ташкил топган «Воҳҳобийлик», «Ҳизбут-таҳрир» сингари диний оқимлар ривожланаётган мамлакатларда қувғин ва қатағонликка учраб, бошқа мамлакатлардан бошпана излашга юзландилар. Ўрта Осиё ва Россия минтақаларига бу «чаён»лар ўрмалашиб, заҳарли думларини ғажак қилиб «ниш» уришга, ҳамлага ўтдилар. Бу оқимларнинг таг заминида асосан: маънавий, маърифий, сиёсий билими шаклланмаган ёшларни ёлғон ваъдалар ортидан ўз динига, миллатига, она-Ватанига, туғишган ёру-биродарларига қарши «жиҳод» қилишга отлантириш ҳислари ётади.

Фарғона, Наманган, Тошкент, Боткент, Сурхондарё воқеалари орқасида қандай жиноий тўдалар ивирсиб юришгани маълум. 1999 йил Тошкентдаги февраль воқеалари, бу ҳунрезликлар иштирокчилари ўз жазосини олди. Аммо уларнинг раҳнамолари олис-олислардан туриб «армонли» бўзлаб қолишди.

Ватангадо Жума Хожиев иштирокида «Ўзбекистон исломий гуруҳлари» шиори остида «таълимгоҳ»ларида ёшларни тайёрлаганликларини жаҳон ахборот воситалари айтиб келмоқда.

Халқаро терроризмнинг хатарли ноғорасига ўйнаётган юртфурушлар эса, ўз миллатларини, ватан озодлигини қуролмай хоинлик либосини кийдилар. Ашаддий юртфурушлар — Жума Хожиев, Тоҳир Йўлдошев «амирлик»ни даъво қилиб, юрт бошига не кунларни солишмади. Агар эсингизда бўлса, бу икки ватан хоини жаҳоннинг радиотўлқинлари, телекўрсатувлари орқали «Дин йўлида ота-онамизни, ака-укаларимизни, опа-сингилларимизниям аямаймиз...» — дея дунёга аюҳаннос солиб, ўзларининг ёвуз башараларини оламга ёйдилар.

Дунёдаги исломшунос олимларнинг фикрича айтадиган бўлсак, мусулмон мусулмоннинг дилини оғритмайди. Қўлига қурол олиб биродарига ўқталмайди. Демак, кўриниб турибдики, Жума Хожиев, Тоҳир Йўлдошев ва уларнинг орқасидан ивирсиб юрганлар жаҳолатни устун қўйиб, соф дунёвий ривожланиш йўлига қадам қўйган исломнинг оёғига болта урдилар. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак — ғайридинликнинг дунёвий бир кўринишидир — бу!

Яқинда Жума Хожиев — Намангоний, Тоҳир Йўлдошевларнинг қишлоқдошлари республика биринчи теледастури орқали чиқиб ватанфуруш, ватан хоинини қоралаб, қарғаб шундай дедилар:

— Сен юртфуруш Жума — онангни оқ сутини, Наманган номини оқламадинг. Қани, айтчи шу тугилиб ўсган қишлоғинг учун ақалли бир дона гишт қўйдингми?!.. Ҳайф сенга Наманган деган қутлуғ номни тилга олиш... Сен юртимизнинг юзини ерга қаратдинг. Сендек юртфурушларга «итулим» тилаймиз. Сенинг ўлигинг кафан кўрмайди. Мурдангни қабр яширмайди. Ит азобида, ватаннинг бир сиқим тупроғига хору зор бўлиб улиб кетасан..., — деди бир опахонимиз куйиб-ёниб.

Она-Ватан, халқ қарғиши албатта мустажоб бўлади.

1999 йил Тошкент — февраль воқеалари иштирокчиси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят мажмуасининг 159-моддаси билан айбланиб қочоқда юрган Имом Хўжаевнинг шу йилнинг август ойида Россия Федерациясининг Омск шаҳрида қўлга олинганини дунё ахборот воситалари эълон қилишди.

Республикамизнинг Сариосиё, Узун, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ, Қирғизистон республикасининг Боткент воқеалари ёки Андижон вилояти Избоскан туманида хонадон ҳовлисида яшириниб олган юртфурушлар ватаннинг, халқнинг газабига, қарғишига қолди...

Шоир айтганидек,

...Тинчлигимиз кўролмаган юртфурушлар,
Бир кун келиб «тупроғи»га зор бўлади...

Тўхтамурод ТОШЕВ,
Турсун МАҲМАДАЛИЕВ.

● *«Обуна-2001»*

«ХАЛҚ ОЧЛИККА, ЙЎҚЧИЛИККА, ҲАММА НАРСАГА ЧИДАШИ МУМКИН, АММО АДОЛАТСИЗЛИККА ЧИДАЙ ОЛМАЙДИ»

Юртбошимизнинг бу пурмаъно гаплари бизни ҳамиша адолатли жамият қуришга ундайди. Адолат ҳаётимизнинг мезонига айланиб, Ватанимизни гуллаб-яшнаб, равнақ топишига хизмат қилаверади. Адолат нури асло сўнмайди. Адолат ва ҳақиқат жарчиси — ҳақсизликдан жабр кўрганларга малҳам бўлувчи «Адолат» газетаси йил сайин одамлар қалбидан чуқур жой олмоқда. Газета саҳифаларида турмушимизнинг ҳамма соҳалари изчил ёритиб борилаяпти. Юртимизда адолат тамойилларини қарор топтиришга хизмат қилмоқда.

Газета келаси йили ҳам кўпчилик муштарийларнинг севимли нашрига айланади. Унда Сиз азиз газетхонлар ўзингизни қизиқтирган кўплаб масалаларга жавоб олиб, ранг-баранг мавзулардаги бир-биридан қизиқарли мақолалар, очерк ва фельетонлар, памфлетлар билан танишасиз. Севимли газетангиз порахўрликка, таъмагарликка, мансабпарастларга, ўз вазифасини суиистеъмол қилувчиларга, таниш-билишчиликка ва эл ризқига чанг солган, кибру ҳавою, айш-ишратга берилганларга қарши адолат шамшири билан дадил курашаверади.

Азиз муштарийлар! Айни пайтда газетага обуна давом этмоқда. Келгуси йилда ҳам уни кўлдан қўймай ўқий десангиз — «Адолат»га обуна бўлинг! Нашр кўрсаткичи — 100.

«Адолат» ҳамиша Сизга ҳамроҳ бўлсин!

● Президент Фармони — амалда

БОШ ЙЎНАЛИШ — ИНСОНПАРВАРЛИК

Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги байрами арафасида республикамиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди. Бир вақтлар тўғри йўлдан адашган бир неча минг юртдошларимиз мазкур Фармонга кўра ўз яқинлари ёнига қайтадилар. Бир гуруҳ маҳбусларнинг жазо муддати эса босқичма-босқич қисқартирилади.

«Туркистон-пресс» агентлигининг мухбири жазони ўташ колонияларидан бирида Президент Фармонини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан қизиқди.

— Мазкур Фармонни бажаришдаги бош йўналиш инсонпарварлик тамойилларидан иборат, — деди муассаса бошлиғи, ички ишлар подполковниги Евгений Геннадьевич Равинский мухбиримиз билан суҳбатда, — мазкур ҳужжат ҳар бир маҳбусга унинг қайси жиноят учун жазога тортилганлиги, жазонинг қанча муддатини ўтаганлиги, уни ўташ давридаги юриш-туриши, хулқи-интизоми, оилавий аҳволи ва яна шунга ўхшаш бир қанча жиҳатларни инобатга олган ҳолда, яккама-якка тартибда татбиқ этилмоқда.

Амнистияга тушганларнинг биринчи гуруҳлари шу кунларда муассаса эшигидан озодлик остонаси томон қадам ташладилар. Юртимиз раҳбарининг бағрикенглиги жойларда ўзининг амалий исботини топаётир.

ЭЛ ФАРЗАНДИ

Муродулла энди эсини таниганда отаси фронтга жўнади. Урушдан кейин ҳам отасидан дарак бўлмади. Муродулла ҳар гал «Менинг дадам қачон келади» дея савол берганида онаси Норбуви холанинг кўзларида беҳосдан ёш қалқирди. У ич-ичидан изтироб чекса-да, фарзандига далда беришга ҳаракат қиларди. «Уғлим, отанг Ватан учун, халқ учун жангда жон берди. У мард, фидойи инсон эди. Халқимизнинг ташвиши-ю, қувончига ҳамиша ҳамдард эди. Сен ана шундай олижаноб инсоннинг фарзандисан. Отангнинг хотираси ҳаққи аъло ўқиб, эл хизматида бўлгин», дерди.

Норбуви холанинг ғурур ва ифтихор билан айтган бу сўзлари Муродулланинг ёш қалбига муҳрланиб қолди.

От изини той босар, деганларидек ўрта мактабни аъло баҳоларга битирган Муродулла онасига савдо соҳасида ишга ўтмоқчи эканлигини айтди.

— Майли, болам, — розилик билдирди Норбуви она. — Ҳар касбнинг ўз гашти бор. Савдо ходими ҳам эл хизматкори.

У ўзининг ҳалол хизмати, ширинсўзлиги, чаққон ҳаракати билан тез орада одамлар тилига тушди. «Барака топсин, отасининг боласи-да, тийинга ҳам ҳиёнат қилмай, қайтариб беради», дея алқийдиган бўлди одамлар уни.

Дарвоқе, иш фаолиятини оддий сотувчиликдан бошлаган Муродулла Насруллаев кўп ўтмай катта бир дўконга мудир бўлди. У ана шу даврда ҳам сира тиниб-тинчимади. Муродулла ёш бўлишига қарамай ўзи хизмат қилаётган Кичик Мундиён қишлоғида қанча аҳоли яшаши, ана шу қишлоқдаги оилаларга нима керак-у, нима керак эмаслигини ўрганиб чиқди. Қишлоқ аҳли талаб ва эҳтиёжига қараб, товар ва маҳсулотларни дўконда сероб қилди.

Узининг билим ва малакасини ошириш учун Самарқанд Давлат кооператив олийгоҳида сиртдан ўқиди ва уни муваффақиятли тугатди. Муродулланинг ана шундай ғайрат ва шижоатини сезган Каттақўрғон савдо ташкилоти раҳбарияти уни Қорадарё қишлоқ савдо ташкилотига раис этиб тайинлади. 9 йил ана шу ташкилотда фидокорона хизмат қилди. Шундан сўнг у туман умумий овқатланиш корхонаси раҳбари, туман савдо ташкилоти ва туманлараро улгуржи савдо базаларида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилди. Ўз касбини жон-дилидан севган Муродулла Насруллаев раҳбарлик давомида тиниб-тинчимасди. У туман қишлоқларида янги-янги дўконлар қуриш, ошхоналар очишда астойдил жон қўйдирди. Бунёд этилаётган дўконларни шунчаки харидор кириб-чиқиши учун эмас, балки келган кишилар маънавий баҳра олиши учун шарқ услубида шинам ва чиройли қилиб қурилишига эътибор берди, уларни жиҳозлади.

Эсини танигандан буён эл-юрт хизматида камарбаста бўлган Муродулла Насруллаев олтмишдан ошди. Лекин унинг дадил қадамларини кўрган киши сира бу ёшга борганига ишонгиси келмайди. Вилоят савдо бошқармаси раҳбарияти унга янада катта ишонч билдириб «Узмаҳсулотсавдо» ассоциацияси»нинг Каттақўрғон бўлимига раҳбар этиб қўйди. У туман савдо ташкилотларини озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда маданий-оқартув товарлари билан таъминлаш учун тинмай изланаётир.

Муродулла Насруллаев тадбиркор раҳбар бўлиши билан бирга, меҳрибон ва мураббий отадир. Унинг етти фарзанди бор. Фарзандларининг ҳаммаси олий маълумотли. Ўзи сингари эл хизматида.

Асқар ЖАЛИЛОВ,
«Адолат» мухбири.

Замондошимиз

«ШАРҚДАН ТАРАЛГАН ЗИЁ»

Республика Байналмилал маданий марказида «Шарқдан таралган зиё» мавзусида расмлар кўргазмаси очилди.

— Шарқнинг илмий ва маънавий мероси оламни инсонпарварлик, донишмандлик ва яхшилик чироғи билан ёритган. Жамиятнинг ахлоқ-одоб меъёрларини мустаҳкамлашга хизмат қилган, — деди Республика Байналмилал марказининг раҳбари Карим Расулов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Хожа Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий каби буюк алломалар яратган ўлмас асарлар жаҳон халқлари хазинасига айланган.

Марказда алломаларнинг таниқли мусаввирлар томонидан яратилган портретлари намойиш этилмоқда. Чингиз Аҳмаров мўйқаламига мансуб «Навоийнинг ёшлиги», «Ал-Хоразмий» портретлари, М. Набиевнинг «Беруний», М. Маматованинг «Бобур», Т. Саъдуллаевнинг «Кубронинг жасорати», Н. Қўзибоевнинг «Ал-Хоразмий» асарлари томошабинларда илиқ таассурот қолдиради. Расмларни томоша қиларкансиз, буюк бобокалонларимизнинг нурли чеҳраларидан таралаётган зиё юракка нур, кўнгилга ғурур бағишлайди.

МУНОСИБ ЭҲТИРОМ

Халқимизга хос фазилатларни ўзида мужассам этган XXI аср спорти — ўзбек кураши бўйича ўндан ортиқ мамлакатларда жаҳон, қитъа чемпионатлари ҳамда халқаро турнир ва миллий биринчиликлар ўтказиш анъанага айланаётир.

Улар орасида 1-3 октябрь кунлари Буюк Британиянинг Бетфорд шаҳрида Халқаро Кураш Ассоциацияси Фахрий Президенти Ислом Каримов шарафига утказилаётган турнир алоҳида аҳамиятга молик. Мазкур турнир Юртбошимизнинг курашимиз ривожига қўшаётган улкан ҳиссаси учун муносиб эътироф рамзидир.

Мусобақа халқаро кураш қоидалари асосида ўтказилиб, унда Қиролликнинг 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган полвонлари 40 вазн тоифасида етти гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс юритадилар. Мезбонлар таклифига биноан, Халқаро Кураш Ассоциацияси президенти Комил Юсупов бошчилигидаги 30 нафарга яқин Узбекистон вакиллари сафарга ҳозирланмоқда. Узбекистонлик делегация таркибидан 6 нафар курашчи, 1 нафар ҳалқаро тойфадаси ҳакам ва 5 нафар спорт журналистлари ҳам ўрин олишган. Фахриилар ўртасида баҳсда 42 ёшли Шерали полвон Буронов (130 кг) бел олишишга чоғланмоқда. Бундан ташқари, И. Каримов, Б. Ҳужаев, Б. Эрматов ва энг ёш курашчимиз (12 ёш) Шокиржон Қучқоров гиламга чиқишса, қизлар баҳсида Феруза Ҳайтимбетова омадини синаб кураши.

ЁНҒИНГА ЙЎЛ ҚУЙИЛМАДИ

Республикамиз пойтахтида қурилишлар кўлами тобора ортиб бормоқда. Қуриб битказилган биноларшаҳримизнинг кўркига кўрк кўшмоқда. Миробод туманида қурилаётган биноларҳам ўзининг бетакрорлиги билан кўзга ташланиб турибди. Шу сабабли қурилишларда ёнғиндан сақлаш масалаларига жиддий аҳамият берилиши зарур.

Қурилаётган ва тикланаётган биноларда ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини назорат қилиш давлат ёнғиндан сақлаш назорати органларининг муҳим вазифаларидан биридир. Чунки бино ва иншоотларни ёнғиндан сақлаш асослари уларни лойиҳалаш, қуриш ёки тиклаш давомида яратилади. Шу йилнинг ўтган даврида Миробод тумани 3-ҳарбийлаштирилган ёнғиндан сақлаш бирикмаси томонидан янги қурилаётган ва таъмирланаётган жабҳаларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида самарали ишлар олиб борилди. Ҳар бир қурилиш иншооти ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари томонидан тўлиқ текширувдан ўтказилди.

Қурилиш ишларини олиб бораётган ишчи ва газ-электр пайвандчилар билан ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича йўриқномалар ўтказилмоқда. Шу билан биргаликда ишчи-хизматчилардан иборат кўнгилли ўт ўчириш гуруҳлари ташкил этиш яхши йўлга қўйиляпти.

Олиб борилган ишлар натижасида шу йилнинг ўтган даврида қурилишларда ёнғинлар келиб чиқишига йўл қўйилмади.

З. АКРОМОВ,
Тошкент шаҳар Миробод туманини муҳофаза қилувчи 3-ҲЁСБ катта муҳандиси, ички хизмат майори.

ЕР БИЛАН ОСМОНДА... ПОЙГА

Бундан етмиш йиллар муқаддам машҳур рус учувчиси Валерий Чкалов Москванинг «Москва-река» дарёси кўприги остидан ўз самолёти билан учиб ўтиб, жаҳонни лол қолдирган эди.

Яқинда литвалик моҳир учувчи Юргис Кайрис Чкаловнинг ўша ўта хавфли трюкини янада мураккаб тарзда такрорлади: унинг «Су-26» самолёти минглаб томошабинлар кўз ўнгида Каунас шаҳридаги Неман дарёси устига қурилган қирол Миндаугас номли кўприкка катта тезлик билан яқинлашиб келди-да, бирдан чалқанча ағдарилиб олиб кўприк остидан ғилдираклари осмонга қараган вазиятда учиб ўтди. Бу ҳали жаҳонда ҳеч ким томонидан ижро этилмаган нодир трюк эди. Кўприк билан дарё оралиғидаги кенглик бор-йўғи 12 метр, самолёт қанотларининг узунлиги эса 8,2 метр эканлиги ҳисобга олинса, бу қанчалик хавфли «ўйин» эканлиги кўз олдингизга келади.

Кайриснинг бу жасоратини ўз кўзи билан кўриш учун Литвага «формула — 1» автопойгасининг афсонавий қаҳрамони, номи жаҳонга машҳур Микка Хаккинен учиб келган эди.

Кўп ўтмай Кайрис ва Хаккинен томошабинларга ўзларининг янги режалари ҳақида хабар бердилар. Яқин кунларда иккала машҳур спортчи ўзаро ажойиб пойга ўтказишади: бир вақтнинг ўзида Кайрис осмонда ўз самолёти билан, Хаккинен эса пастда, шоссе йўлда ўз пойга машинаси билан пойга қилишади... Ана ўшанда кимнинг тезлиги катта эканлиги маълум бўлади. Эътироф этиш керак: жаҳон ҳали бундай антика мусобақанинг гувоҳи бўлган эмас...

«Туркистон-пресс»

Чевар қизлар.

● Хат босилмади, аммо...

«ДАМАС» ОЛИБ МИНИБ ЮРИБДИ

Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи тадбиркор Суяркул Рашидов редакциямизга шикоят йўллаб, Бизнес-фонддан кредит ололмай сарсон бўлаётганлигини айтган эди. Биз хатдаги важларни ўрганиш мақсадида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фондига юборган эдик. У ердан қуйидаги жавоб олинди:

— Шуни маълум қиламизки, тадбиркор Суяркул Рашидов бугунги кунда «Пахтабанк» орқали 4 миллион 605 минг сўм кредит олиб, унга «Дамас» автомобили харид қилган ва аҳолига автохизмат кўрсатиш бўйича фаолиятини бошлаб юборган.

Хатда битилишича, тадбиркор тижорат банки ва Бизнес-фонд ўртасида анча овора бўлган. Аммо таъкидлаш лозимки, тадбиркорларнинг инвестицион лойиҳаларини экспертиза қилиш, у бўйича бошланғич мониторинг ўтказиш Бизнес-фондда эмас, тижорат банкларида амалга оширилади. Шу боис ҳам тадбиркор ўз хатида ёзганидек, Бизнес-фонд орқали масалани ҳал қилмоқчи бўлганлиги бугунги кунда кредитлаш бўйича ўрнатилган тартибига зиддир.

Хатда «Шаҳноза» корхонасининг лойиҳаси навбатсиз молиялаштирилган деб кўрсатилган. Кредит маблағларининг етишмаслиги ва унинг навбати келмаганлиги туфайли бу корхонанинг инвестицион лойиҳаси бугунги кунда молиялаштирилганича йўқ.

Тижорат банкларида танишбилиш ва шунга ўхшаш номақбул ишларнинг олдини олиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Марказий банк ва барча тижорат банкларида бевосита телефон хизматлари ташкил этилган бўлиб, уларда бу каби иллатларнинг олдини олиш бўйича ишлар бажарилади. Шунинг учун ҳам тадбиркорларимиз бундай ҳолларнинг гувоҳи бўлганларида мазкур хизматга мурожаат қилганлари маъқул. Бу ҳам вақтни тежаса, ҳам масалани адолатли ҳал қилишга ёрдам беради.

А. ДАЛИЕВ,
Бизнес-фонд бошқарув раисининг биринчи муовини вазифасини бажарувчи.

Гиёҳвандлик — иллат

СИРЛИ «ТУРМАК» ОПЕРАЦИЯСИ

Кўринишидан одмигина соддадил аёлни кимам «оғуфуруш» деб ўйлайди?.. Аср вабоси бўлган контрабанда тузоғи инсонлар ҳаётига «қора муҳр»ни босиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шарқ аёлининг «қора оғу» сиртмоғига илиниб қолиши, нечоғли даҳшатлилигини кўриб, юрагинг орқангга тортиб кетади.

Шу йилнинг ўн олтинчи июнь куни 223-йўналиш билан йўлга чиққан Душанбе-Москва тезюрар поезди Узун тумани марказидаги Сариосиё темир йўли бекатида тўхтади. Одатдагидек, божхона ходимлари йўловчиларни чиғиридан ўтказиб турарди. Таассуфки, ходимларимиз «гумон» тариқасида текширганида 39 ёшли Тожикистон фуқароси Жонона Муҳиддиновадан «героин» чиқиб қолди.

— Бунақасини илк бор учратишимиз, — деб ҳикоя қилади темир йўл божхона маскани бошлиғи, катта лейтенан Абдумалик Бозоров.

... Олеся ҳамроҳлари билан поезднинг саккизинчи вагонига чиқди. Вагон купелари одамларга тўла. У ўтирганларга назар солиб, текширишни бошлади.

Унинг нигоҳи купе бурчагида қимтиниб ўтирган соддагина аёлга тушди-ю, негадир юрагининг бир чеккасида шубҳа пайдо бўлди. Дастлаб у: наҳотки, шундай камсуқум аёл менда бу қадар шубҳа уйғотсая? — деган хом хаёлга борди. Кўзини чирт юмиб ўтиб кетмоқчи ҳам бўлди. Лекин «қора шарпа»ни сезиб турганда лоқайдлик қилиб, шундоқ ўтиб кетишга юраги йўл бермади. Жононанинг сирли турмакланган сочи Олесянинг диққатини кўпроқ жалб қиларди.

— Исмингиз нима, опажон? — деди мулойимлик билан.

— Жонона! — дея жавоб қилди аёл қимтиниб.

— Сочингизни ажойиб турмаклаганингизга ҳавасим келди. Сочларим узун бўлганида эди, албатта сизникидек қилиб турмаклардим. Афсуски, ёшлик қилиб қирқтириб ташлабман.

— Ўргилай, оппоқ қиз. Ҳозир «причёска»ларнинг турлари кўпайиб кетди. Ҳар бир аёл ўзига хосини, чиройига мосини танлайди.

— Ҳойнаҳой аёллар сартарошхонасида ишласангиз керак, — дея ҳазил-мутойиба қилди кўзларини олиб қочолмасдан Олеся.

Жонона ҳам бўш келмасди:

— Насиб этса сафардан қайтсам албатта аёллар салонига ишга ўтаман.

— Орзу қандай нарсая, опа! Лекин камдан-кам инсонларгина ширингина орзусига эришаркан...

Жонона божхона ходимасига саросимали қаради. Юраги нималарнидир пайқади. Олеся Жононани орқасидан эргаштириб пастга тушди.

— Опа, прическангиз менга сирли туюляпти. Қаршилик билдирмасангиз масканга кирайлик. Шундоқ такшурувдан ўтасиз-у қайтасиз.

Жононанинг юрак пардасининг чоки ситилгандай бўлди. Қайсарлик қилиб кўрмоқчи бўлди. Қочиб қолишни ўйлади. Барчасининг илоҳи йўқ. Қўлга осонгина илинганини билди ва тақдирига тан бериб, унинг олдига тушиб бўйруқни бажаришга мажбур бўлди.

Сеҳрли «турмак»ланган соч операцияси барбод бўлди... Душанбе шаҳрининг Темир йўл тумани, С. Айний кўчаси, 315-уйнинг 113-хонадони бекаси, турт нафар норасида гўдакларнинг онаси Жонона Муҳиддинова қармоққа илинди. Унинг бошига кийиб олган ясама сочи орасидаги «героин» моддаси ўлчанганда 401 грамм ташкил этди.

Дастлабки сўриштирув пайтида бу наркотик модда ҳамшаҳари Мирзоали Насимовга қарашли эканлиги ва уни Москва шаҳрига олиб бориб берса, 1200 АҚШ доллари хизмат ҳақи олишини таъкидлади, Жонона.

Биз мазкур маскандаги ишлардан бир воқеасини ҳикоя қилдик, холос. Масканнинг Олеся Перимиковага ўхшаган фидойилари, катта лейтенант Мусулмон Шарипов, Шайдулло Тураев, Ҳасан Раҳмонов, Музроб Жобиров, Баҳром Маҳмадиев, суриштирувчи Абдували Эшқобилов, Элбек Хайитов каби хизматчиларининг тадбиркорлиги, зукколиги, ўз касбига содиқлиги туфайли ярим йил ичида 94 килограмм 857 грамм наркотик модда ушлаб қолинди.

Биргина бу эмас, уларнинг саъй-ҳаракатлари билан товар-моддий бойликларимизнинг республикадан ташқарига ноқонуний олиб кетилишининг 78 та ҳолати аниқланиб, 1 миллион 664 минг 376 сумлик турли озиқ-овқат маҳсулотлари ушлаб қолинди.

Турсун БОЙ.

СУРАТДА: Сурхондарё вилояти 3-»Сариосиё» темир йўли ташқи иқтисодий божхона маскани ҳаётидан бир лавҳа. 1-божхона масканининг назоратчиси, катта лейтенант Мусулмон Шарипов, 2-божхона ходими Олеся Перимикова ҳуқуқбузар Жонона Муҳиддинованинг ҳужжатларини кўздан кечиришмоқда.

● Луқма

БОЗОРИ ЧАҚҚОН БЕНЗИН

Қаршидан Термез сари бораверишда Деҳқонобод тумани орқали ўтадиган йўл тобора юқорилаб боряпти. Киракаш ҳайдовчи анча дилкаш, самимий киши экан, ҳеч зериктирмайди, йўлнинг нотекислиги ҳам унча сезилмайди, «Тико» машинасини елдириб кетяпти. Бир пайт ҳайдовчи «бензинимиз камайиб қолди, заправка қилиб олайлик», — деб тоғ бағридаги ҳовлига кирди. Ҳайдовчи машинани ҳозирлагунга қадар уй эгаси, 16 ёшлар чамасидаги Зафар исмли бензинфуруш йигит билан анча суҳбатлашдик.

— Око, бу бензин аралаш, 95 маркали, сифати зўр, нархи 95 сўмдан, Туркманистонники, ўзлари машинада олиб келиб беришади. Ҳамма ҳайдовчилар хурсанд, йўлдан ўтганларнинг аксарияти мендан бензин олади, — деб шланг билан канистрани лиммо-лим тўлдириб берди.

— Сифатини зўр деялсиз, кафолатлайсизми? — сўрадик бензинфурушдан.

— Эй, око, бензинга қаранг, юзингизни равшан кўриб, сочингизни бемалол тарашингиз мумкин, — деди Зафар уддабуронлик билан.

Ҳовли саҳнига диаметри 60-70 сантиметрли, 6 метрлар чамаси узунликдаги қувур-сигим нишаб қилиб ўрнатилиб, енгилгина қумилган. Жўмракда шланг.

— Кунига 2 тонна атрофида бензин сотяпман, — деб сўзида давом этди Зафар. — Мен бензин устига кўп қўймайман, бор-йўғи 10 сўм қўйиб сотаман, баъзиларга ўхшаб литридан уриб қолмайман, ҳамма рози.

«Текширувчилар индамайдими?» — деган саволимизга у: «улар ҳам яхши одамлар, хафа қилмайди, келган солиқчиларга 10 минг сўм бераман, рози бўлиб кетишади», — деди.

Ҳамма рози, олувчи ҳам, сотувчи ҳам хурсанд, бироқ йўл четидаги ёнилғи шаҳобчалари рўйхатдан ўтмаган, солиқ тўламайдиган оддий бир «тадбиркор» йигитнинг рақобатига бардош бера олмай касод бўлиб синаётгани, солиқ ва бошқа турли тўловлар ҳақи нақд пул бўлиб бундай «тадбиркор»лар чўнтагига тушиб кетаётганлиги, тумандаги мутасаддилар бунга панжа орасидан эътиборсизлик билан қараётгани ҳақида ўйладик.

Бизни ўйлантираётган фикрлар тўғрисида нефт маҳсулотлари таъминоти ва сотишга мутасадди бўлган вилоят «Нефт маҳсулот» корхонаси раҳбари Қ. Сирожев шундай деди.

— Дарҳақиқат, бундай «тадбиркорлар» ҳеч қандай солиқ тўламайди, бу ҳолат рўйхатдан ўтган, бензин сотишга рухсатномаси мавжуд бўлган ёнилғи шаҳобчалари ишига ўта салбий таъсир кўрсатмоқда. Пул маблағлари айланмай, турли солиқлар тўланмай, улар кимларнидир чўнтагига тушиб кетмоқда. Биз хусусий ёнилғи шаҳобчалари ва шундай «тадбиркорлар» ишини ўрганишни бошлашимиз биланоқ прокуратура томонидан ноқонуний текширишларни утказмаслик ҳақида протест олдик.

Тўғри, ноқонуний текширишларга, узбошимчаликларга йўл қўймаслик керак. Бироқ, бундай «тадбиркорлик»ка ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Бу ўринда нефт маҳсулотлари таъминотчилари, солиқчилар, маъмурий ва ҳуқуқни муҳофазалаш идоралари бундай қонунсиз хатти-ҳаракатларга фақат кузатувчи бўлиб қолмасдан уларнинг пайини бутун чоралар билан қирқишлари керак эмасми?!.

Каримжон РИХСИЕВ,
Собиржон САЛИМОВ.

Мулоҳаза ва таклиф

«ТЕЗ ЁРДАМ» ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Республикамиз аҳолиси борган сари тобора кўпайиб бормоқда. Табийики, бундай шароитда хизмат кўрсатиш соҳаларига бўлган талаб ҳам ортиб бораверади. Айниқса, тиббий хизматга, унинг асосий тармоғи бўлган тез тиббий ёрдам кўрсатишга эҳтиёж кучаяди. Хўш, мамлакатимиз аҳолисига тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати қай даражада йўлга қўйилган? Шу масала билан яқинда танишиш, бу бордаги ютуқ ва муаммолардан хабардор бўлиш мақсадида жойларда бўлиб, соҳа мутахассислари билан суҳбатлашдик. Биринчи суҳбатдошимиз Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси раҳбари Саидвали Аъзамхўжаев бўлди.

— Шу кунларда Тошкент шаҳри аҳолисига 100 та «Дамас», учта «Газел» русумли автомобиль хизмат кўрсатмоқда, — деди у. — Республикамиз шароитидаги қўлланма бўйича ҳар бир 10 минг аҳолига бир дона тез тиббий ёрдам автомобили тўғри келади. Ҳозирги шароитда бизга яна 150 та замонавий тиббий ускуналар, аппаратлар билан жиҳозланган тез тиббий ёрдам машиналари керак. «Дамас» автомобилларимиз оғир беморларни олиб юришга мослашмаган ва мослаш ҳам мумкин эмас.

Бу гапларнинг барчаси ўринли. Чунки ҳозирги замон тез тиббий ёрдам автомобилларида ҳар қандай хаста беморга жойида ёрдам бериш учун барча дори-дармонлар, қулайликлар бўлиши керак.

Тошкент шаҳри ҳудудида 12 та тез тиббий ёрдам шаҳобчалари бор. Бир шаҳобча бир вақтда бир нечта туманга хизмат кўрсатади. Агар уларнинг ҳар бири битта туманга хизмат қилиш учун жалб қилинса янада яхши бўларди. Яъни, шаҳобчага керак бўлган айрим ёрдамларни шу туман ҳокимлигидан олиш имконияти юзага келарди. Уларни назорат қилиш кучаяди. Бу эса амалда тез тиббий ёрдам хизмати йўналишидаги айрим камчиликларга чек қўйиб, аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини кўтаришга шароит яратар эди.

Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам хизмати станцияси автомобилларининг 40 тасида рация бўлиб, қолганларида йўқ. Бу жуда ачинарли ҳол. Чунки рация бўлса, энг асосийси беморга бориш вақти бир неча марта камайиб, ортиқча масофаларни босиб юришга чек қўйилади. Бунинг натижасида кўплаб маблағ тежалиб, уни керакли манбаларга ишлатишга имкон яратилади. Тошкент шаҳри ҳудудида бир йилда беморлардан ўртача 600 минг буюртма тушади ва уларнинг барчасига керакли тиббий ёрдам кўрсатилади.

Биз Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг иқтисод масалалари бўйича муовини Баҳодир Умрзоқов билан ҳам учрашиб, тез тиббий ёрдам хизмати қандай амалга ошаётгани ҳақида сўрадик.

— Вилоятимиздаги 15 та туман ва 5 та шаҳарда 340 та тез тиббий ёрдам хизмати автомобиллари бор, — дея гап бошлади у. — Уларнинг атиги 110 тасигина ишга яроқли. Қолганларини таъмирлаш керак.

У ҳолда беморларга ким ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатади? Қайси автомобилда бу хизмат бажарилади? Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли қолган 230 та ишга мутлақо яроқсиз тез тиббий ёрдам автомобиллари нега шундай ачинарли ҳолга тушиб қолди?

Биз бошқарма бошлиғининг ўринбосаридан мавжуд машиналарнинг рация билан қандай жиҳозланганлиги тўғрисида сўраганимизда 80 фоизи рация билан таъминланиб, барчаси шу кунларда ишлаб турганлигини айтди. Шундан кейин Паркент туманига ташриф буюриб, айрим мутахассислар билан очиқчасига гаплашдик. Туман шифохонасининг бош шифокори Миржалил Абдуллаевни суҳбатга тортдик.

— Туман тез тиббий ёрдам хизмати станциясида 13 та автомобиль бор. Булардан 5 таси «Дамас», 5 таси «УАЗ», 3 таси «РАФ» русумли бўлиб, барчаси ишламоқда. Узоқ масофадаги беморларга яхши жиҳозланган техник ҳолати қониқарли бўлган янги тез тиббий ёрдам автомобилларини жўнатамиз. Автомобилларимизнинг камида 50 фоизи жорий таъмирланишга муҳтож. Лекин биз барча имкониятларимизни ишга солиб, туман аҳолисига тез тиббий ёрдам хизматини бажариб келмоқдамиз. Замонавий талабларга тўла жавоб берадиган бironта ҳам тез тиббий ёрдам автомобилимиз йўқ. Бизда бор-йўғи 6 та рация ҳисобда бор. Аммо уларнинг барчаси эски, ишга ярамайди. Уларни тузатайлик десак таъмирлайдиган жойнинг ўзи йўқ. Бошқармамиз раҳбарлари бу масалада амалий ёрдам бермасалар, ўзимизнинг қўрбимиз ҳеч нарсага етмайди.

Бу гаплардан кейин Умрзоқовнинг «вилоятимиз туманларидаги тез тиббий ёрдам автомобилларини 80 фоизи рация билан жиҳозланган» деган гапи бизда шубҳа уйғотди.

Зангиота тумани шифохонасига қарашли туғруқхона мажмуасидан 2000 йил 25 март куни 3 кунлик чақалоқни тезлик билан 2-ТошМИ шифохонасининг чақалоқлар бўлимига жўнатиш учун тез тиббий ёрдам автомобили чақиртирилди. Лекин афсуски, келган машинанинг бензини йўқ экан. Беморни бошқа автомобилда жўнатишга тўғри келди.

Ҳатто баъзан чақиртирилган тез тиббий ёрдам хизмати ходимларининг айримларида керакли дори-дармон, ҳатто шприц ҳам бўлмайди. Бундай аянчли аҳволни тўбдан яхшилаб, керакли чора тадбирларни амалга ошириш вақти келмадимикан? Қачонгача тез ёрдамнинг ўзи ёрдамга муҳтож бўлади?

Илҳом ШЕРМУҲАММАД.

1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

● Дил изҳори

СИЗГА ТАЪЗИМ, УСТОЗЛАР

Кенг давра, жамулжам дилкаш донолар,
Кенг давра, жамулжам сирдош оналар,
Сиз—машҳур аллома, устоз-аълолар,
Сизлар—дур, хазина, биллурий калом,
Фидойи устозлар, Сизга ассалом!

Илк бор мактабга бошлаб келган—Сиз,
Қаламни тутқазиб, йўлга солган—Сиз,
Истиқлол—бахтинг деб, дилга солган—Сиз,
Сўзлар—дур, хазина, биллурий калом,
Фидойи устозлар, Сизга ассалом!

Яхши-ю ёмонни фарқла дегансиз,
Она-шох, оқ сутин оқла дегансиз,
Ҳур Ватан шарафин сақла дегансиз,
Сўзлар—дур, хазина, биллурий калом,
Фидойи устозлар, Сизга ассалом!

Дегансиз доимо, огоҳ бўл огоҳ!
Постингда ҳушёр тур, ёв келар ногоҳ,
Тиғ бўлиб санчилсин, қаҳрингла нигоҳ,
Сўзлар—дур, хазина, биллурий калом,
Фидрйи устозлар, Сизга ассалом!

Сиз—устоз, устоздир Фарғоний Аҳмад,
Кўп ўқи, ўрган деб, чеккансиз захмат,
Шогирдлар миннатдор, сизларга раҳмат!
Сўзлар—дур, хазина, биллурий калом,
Сафдадур Мамажон, дегай ассалом!

Мамажон ХОЛИҚОВ

ҲАВАСИМ КЕЛАДИ СЕНГА, БОЛАЖОН!

Биринчи сентябрь қўнғироғи жаранглаганда Фарғона педагогика институти математика факултетининг собиқ талабаси Манзурахон Маъдалиева жонажон шаҳри – Қўқондаги 10-ўрта мактаб жамоаси сафида эди. У ўзини яқиндан билган, орқаворотдан таниган мактабдошларининг барчасидан «бизга ишга келганингиз яхши бўлибди», деган якдил самимий сўзни эшитди. Чин юракдан айтилган бу сўзлар уни беҳад руҳлантирди ва айни вақтда алоҳида масъулият юклади. У тезроқ ниманидир қилишга, «янги ўқитувчи» деган синовчан эътирофни оқлашга интиларди...

У мактабда биринчи бўлиб «Математика фани хонаси»ни ташкил этди. Унинг жиҳозларига алоҳида эътибор берди. Шахсан директорнинг ёрдами билан махсус стендлар тайёрлатди. Унга математика тарихига доир асарлардан тортиб, ушбу фан илмининг буюк алломалари суратларию, китобларигача, турли йилларда газета-журналларда эълон қилинган мақолаларгача қўйди.

Математика муаллими Манзурахон дарсларини асосан шу хонада олиб боради. Истаган ҳамкасблари ҳам ундан бемалол фойдаланишади.

Фарғона вилоятида биринчилардан бўлиб ғоятда оригинал «Қизиқарли математика кечаси»ни утказганлардан бири ҳам изланувчан, тиниб-тинчимас ёш муаллима Манзурахон бўлди. Кутилмаган янгилик, воқеа бўлган бу кечани ҳалиҳануз ҳамкасларию собиқ ўқитувчиларингма, ҳатто ота-оналар ҳам эслаб юришади. Унинг бу тажрибаси қисқа муддатда бутун водий бўйлаб ёйилди. «Ўқитувчилар газетаси» эса, қўқонлик муаллиманинг изланишлари, ташаббуслари ҳақида мақола эълон қилиб, уни республикага таништирди.

– Манзурахон раҳбарлигида уюштирилган тадбирлар, хусусан, «Математика кечалари» бошқаларникидан ҳар томонлама мароқли утишининг сабаби, – дейди унинг ҳамкасби Ҳалимахон Маҳмудова, – уларда фанни жон-дили билан севган, унга бутун вужуди билан қизиққан, қоларверса, «Манзурахон опадай математик бўламан», деган болалар иштирок этишади. Улар – меҳрини дугонам қозонган даврнинг ўқувчиларидир!

Биласизми, сал ғалатироқ эшитилса узр, Манзурахон дарс беришнинг эскича усул-қоидаларига янгича ёндашувни ўзига шиор қилган муаллима. Масалан, у дарсни «ким келди – ким келмади», «нимага келмадинг»дан бошламайди, яъни, ўқувчиларнинг фикри-ҳаёлини чалгитиб, кайфиятларига таъсир қилиб ўтирмайди. Аксинча, болажонларим, яхши келдиларингми, мен сизларни соғиниб қолдим, ҳатто сизларга атаб, бугун утилажак мавзуга оид янгилик ҳам топиб келдим, деб дарров машғулотга киришаверади. Узукка кўз қўйгандек улашилган янгилик, яъни мавзуга ғоятда алоқаси бўлган ҳикоя ёки қўргазмали қурол эса, шу заҳоти ўқувчиларни қизиқтириб, дарсга тайёрлайди. Охир-оқибатда дарсга бутун диққат-эътибори, вужуди билан берилиб турган бола уни муаллими кутгандай ўзлаштириб олади-да!

«Йўқлама»га келсак, Манзурахон уни дарсдан сўнг утказади. Мана, бир неча йилдирки, унинг машғулотларида бу ишга умуман эҳтиёж йўқ. Сабаби – дарсида ўқувчилар ҳамма вақт юз фоиз иштирок этишади...

Саксонинчи йилнинг бошларида изланувчан Манзурахон ўз фанидан дарс беришда телевидение имкониятларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйди. Узбекистон телевидениеси ижодкорлари эса, унинг бир сценарийсини «Билмасвой математика кечасида» номи билан маърифий мусиқали кўрсатув тарзида бутун республикага намойиш этишди. Кейинчалик шундай кўрсатуви Ал-Хоразмий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган Халқаро илмий анжуман қатнашчилари даврасида кўрсатилди.

Манзурахон Маъдалиеванинг «Ал-Хоразмий алгоритм ва математика» саҳна кўринишини томоша қилган хоразмийшунос олим, академик Восил Қобулов таассурот-ҳайратини қўйидагича изҳор этган эди:

– Мен бир умр улуғ миллатдошимиз ва ватандошимиз Ал-Хоразмийнинг ҳаёти ва ижоди билан шуғулландим. Ажойиб иқтидор соҳиби бўлган қўқонлик қизимиз, миллий маорифимизнинг чинакам маликаси Манзурахон менинг бир умрлик илмий изланишимни 20-25 минут давомида саҳнада қўшиқ, шеър, топишмоқ тарзида намойиш этиб кўрсатди. Қойил, тасанно, деймиз унга. Бундай ижодкор ўқитувчи билан маорифчиларгина эмас, балки, бутун халқимиз, юртимиз фахрланса арзийди!

Саксон учинчи йилдан бошлаб Манзурахон мактабда биринчи бўлиб «балл» усулига ўтди. Ўқитувчиларнинг фанни ўзлаштириши ва билимига баҳо эмас, балл қўйиб борадиган бўлди. Йил давомида кўп балл тўплаган ўқувчиларни рағбатлантиради. Шу боисдан ўқувчилари дарсларда, синфдан ташқари машғулотларда бирдай фаол қатнашиб, кўпроқ балл тўплашга интилишади. Бу усулни айни кунларда «рейтинг» усули деб аташади.

Унинг янгиликлари кўпайгани учун саксонинчи йилларнинг охирида Қўқонда, Фарғона вилоятида «Маъдалиеванинг ўқитиш услублари» деган ибора пайдо бўлди. Бу жуда катта эътироф, албатта. Биз Манзурахон опадан бу ҳақда сураганимизда, у киши қўйидагича жавоб берди:

– Кўпчиликмас, айрим болалар тасаввурида математика бошқа фанларга нисбатан қийиндек туюлади. Мен, энг аввало, боланинг онгидаги «математика фани – қийин» деган тасаввурни чиқариб ташлаб, уни қизиқтиришга ҳаракат қиламан. Математиканинг сермазмун, сирли, гузал ва ҳаётий ҳам эканлигини уларга яхшилаб тушунтираман. Шундан сўнг болаларда бу фанга қизиқиш кучаяди. Ўқувчиларга формулалар, теоремалар, хоссалар, фигуралар ва ҳоказолар ҳақидаги таърифларни ёдлатиб, бошини қотирмасдан, қизиқарли суҳбатлар, ўйноқи-ҳазил шеърий йуллар билан, «саҳна» чиқишлари орқали тушунтиришга ҳаракат қиламан. Қўргазмали воситалар, компьютерлардан унумли фойдаланаман. Энг муҳими, дарсда ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб ўқитаман. Узлаштириши қийин, билими саёз ўқувчиларга энг содда, тушуниши осон бўлган масалалар, мисолларни ўргатаман. Билими кучли, иқтидорли болаларни мураккаб, қийин масалаларни ечишга жалб этаман. Уйга вазифалар ҳам болалар гуруҳи, қобилиятига қараб мураккаб ёки содда мавзулардан бўлиб берилади. Дарсда бир масалани бир неча марта такрор курсатиб тушунтираман. Бу ўқитиш усулини ҳозирга келиб, ноанъанавий усул деб аташмоқда. Ўқувчиларни шу усулда ўқитиб келаётганимга ўн беш йилдан ошди.

1991 йили Тошкентдаги «Ўқитувчи» нашриёти Манзурахон Маъдалиеванинг иш тажрибаси ҳақида ҳикоя қилувчи «Саҳнада – математика» китобчасини чоп этди. Қўқонда нашр этилиб, шаҳардаги барча мактабларга тарқатилган «Кўпбурчаклар ташкилоти ва Аҳмад» деган инсценировкаси ҳам Фарғона водийси ўқитувчилари даврасида, маърифий ҳаётимизда ўзига хос, бемалол айтиш мумкинки, ҳеч кутилмаган янгилик бўлди. Бу саҳна асари илк бор тайёрланаётганда унга атаб Манзурахон опанинг ўзи либослар тикди. Машғулот пайтида ўқувчилар учбурчак, тўртбурчак, нуқта, трапеция, айлана,ромб, кўпбурчак каби геометрик белгилари бор кийимларни кийиб сўзлайдилар.

У ўз хулосаларидан келиб чиқиб, кейинги йилларда дарсдан ташқари машғулотлар ва кечаларга янада кўпроқ эътибор бермоқда. Болаларга математика ғаройиб илм оламининг мураккаб кашфиёти эканини ҳикоя қиларкан, уларга шу фаннинг сирли ҳодисаларини сонлар, тенгламалар, формулаларни кўшиш, айириш, бўлишларни «математика фигуралари анжуманлари»да тушунтиради.

Математика хонаси янги замонавий ўқув дастгоҳлари ва қўргазмалар билан янада чиройли қилиб безатилди. «Услубий ёрдам ва кўрсатмалар», «ЭҲМ тузилиши», «ЭҲМнинг қўлланиш соҳалари» болалардаги қизиқишни янада кучайтиради. Дарс пайтида фойдаланиладиган барча техник воситалар, турли илмий адабиётларни, ҳатто шеърий матнлар жамланган тўпламларни ҳам бу ердан топиш мумкин. Бу хонага нафақат ўқувчилар балки, Манзурахон опанинг ҳамкасблари, яъни, ўқитувчилар ҳам, ҳатто ота-оналар ҳам тез-тез ташриф буюришиб туришади.

– Қўқонни бир вақтлар ажойиб шоирлари машҳур қилган, – дейди шаҳар халқ таълими бўлими мудири Эркинжон Эргашев. – Энди унинг довруғини Қаҳрамон қиз, муаллима Манзурахон Маъдалиева таратди! Биласизми, ўтган йили кузда Қўқонга ташриф буюрган бир хорижлик турист: «Узбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган биринчи узбек ўқитувчиси сизда ишлайди-а?» деб бўлимимизга кириб келган. Шунда бутун жамоамиз билан бошимиз осмонга етган.

Она-Ватан, Президентимиз Ислом Каримов ўзининг фидоий, ташаббускор қизи – Қўқон шаҳридаги Чархий номли 10-ўрта мактаб ўқитувчиси Манзурахон Маъдалиеванинг меҳнатларини, хизматларини биринчилар қаторида муносиб тақдирлади. Унинг кўксида мустақил Узбекистонимизнинг энг олий нишони – Қаҳрамонлик Олтин юлдузи порлаб турибди!

...Қаҳрамон муаллима Истиқлол йилларида туғилган, ҳозир ўрта мактабларнинг бошланғич синфларида таҳсил олаётган болаларни бахтиёрларнинг бахтиёрлари, яъни, соғлом авлод деб билади. Уларнинг яқин келгусида янада кўпайиб, мустақил Узбекистонимизнинг буюк келажагини яратишларига астойдил ишонади. Шу ҳақда ўйлаганида хаёлан беихтиёр ўзи ёзган қуйидаги шеърий сатрларни алоҳида фахр ва ғурур билан такрорлашни хуш кўради:

«Соғлом авлод» деб сийланган,
«Ҳавас рамзи» деб куйланган,
Келажаги кўп ўйланган
Болажонлар келмоқдалар!

Юсуф БЕРДИЕВ.

2000 йил — соғлом авлод йили

«МЕН СИЗНИ ТАНИЙМАН, ДОКТОР!»

Мажолсиз чақалоқ баъзўр кўз очиб, нурсиз нигоҳларини қадаб жавдирайди, инграйди, оғриқ зарбидан ўқтин-ўқтин хансирайди. Эмган сутини ҳам ўша заҳоти қайт қилади. Баъзан кўкариб кетади, жимиб қолади. Наҳотки еттита қиздан кейин ўғил кўрган ота-онанинг қувончи узоққа бормаса! Улардан харчанд уринишмасин нуридийдаларининг аҳволи шу тариқа кундан кун оғирлашиб борарди. Онанинг кўкраги, иссиқ бағрига босиб оҳиста аллалаши, бисотидаги энг ширин, энг ардоқли сўзларни айтиб қилган илтижолари дард чангалида тинимсиз қийналарди. «Қаери оғрияптийкин? Кошки, тилиб бўлсаю, айтса! Дори-дармон қилинса! Тани таскин топса...

Бола касалхонага келтирилганда аҳволи анча оғир эди. Врач Карим Миржонов унинг аъзоларини синчиклаб кўздан кечиргач, ичак тутилиши ташхисини қўйди. Боладаги бу туғма хасталикни фақатгина жарроҳлик йули билан даволаш мумкин эди. Лекин шунга қадар Бухоро вилоят болалар шифохонасида бундай қалтис ишга журъат эта оладиган ўзи кам эди. Касалхонада жаррох сифатида эндигина фаолият бошлаган Карим Миржонов биринчи бўлиб шу ишга жазм этди. Операция муваффақиятли ўтди. Бола омон қолди...

Бу воқеага қарийб қирқ йил бўлди. Қирқ йил — қирчиллама бир йигит умри. Ушанда Карим Миржоновнинг сочлари қоп-қора, қалин эди. Вужудида ёшлик ғайрати жўшқинлиги ғупириб турган, боқишлари қатъиятли, дадил йигит эди. Тошкент Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетида ўқиш билан бир вақтда пойтахтдаги «Тез ёрдам» клиник шифохонасида наркоз берувчи бўлиб ишлаганлиги, факультетнинг госпитал-хирургия кафедраси мудири С. Масумов, шу кафедра ўқитувчилари И. Надеждин, Т. Янбаевлардан жарроҳлик илми асосларини ўрганганлиги, институтни тугатгач, Масумов клиникасида меҳнат фаолиятини давом эттирганлиги К. Миржоновнинг мутахассис хирург сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Бу тажриба унинг туғилиб ўсган юрти Бухорога қайтгач, ҳамкасблари орасида қисқа муддатда ўз ўрнини топишида эл назарига тушиши ва ишончини қозонишида қўл келди. Қарийб қирқ йиллик ҳаёти Бухоро халқи фарзандларининг саломатлиги йулида сарфланди. Ҳам машаққатли, ҳам мароқли ўтган бу йиллар Карим аканинг сочларини оқартириб, пешоналарига ажин тортди. Лекин унинг қарашларидаги самимият, ҳаракатларидаги қатъият, характеридаги бағрикенглик, меҳрибонлик, камтаринлик ўша-ўша.

— Қаерга бормай, албатта қачондир мен даволаган, операция қилган кишиларни учратаман, — дейди Карим ака нигоҳларида мамнуният балқиб. — Улар дарҳол «мен сизни танийман, доктор», дея иззат-икром кўрсатишади. Бўлиб ўтган воқеаларни эслатишади, миннатдорчилик билдиришади.

Инсон учун бундан ҳам ортиқ бахт борми?! Инсон қайси соҳада фаолият кўрсатмасин, тинимсиз ўз устида ишлаб, касб малакасини узлуксиз бойитиб борган тақдирдагина у камол топади, давр билан ҳамнафас қадам ташлайди, замондошларининг олдинги сафида боради.

Бухоро вилоятида анестезиологик ёрдамни ташкил этиш, вилоят болалар шифохонасида республикада биринчилардан бўлиб жарроҳлик бўлимининг очилишида Карим аканинг муносиб хизматлари бор. Дастлаб мазкур бўлим мудири, кейинчалик вилоят болалар бош жарроҳи сифатида Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари учун 40 дан ортиқ шогирдлар тайёрлади. Айни пайтда Бухоро вилоятидаги бир қатор болаларни даволаш муассасаларида самарали ишлаётган врачларнинг ҳам кўпчилиги Карим акани устоз сифатида эътироф этишади. Зарурият туғилганда маслаҳат ва амалий ёрдам сўрашади.

Мана, ўн йилдан ортиқ эл севган шифокор, тиббиёт фанлари доктори Карим Миржоновнинг Ибн Сино номидаги Бухоро тиббиёт институтига раҳбарлик қилиб келмоқда. Ташкил этилганига қарийб 70 йил бўлаётган бу даргоҳ таянч ўқув муассасаси ҳисобланиб, Ғиждувон, Навоий, Зарафшон тиббиёт билим юртларига услубий ёрдам кўрсатиб келмоқда. 2000 нафардан ортиқ бўлажак ўрта тиббиёт ходимлари таҳсил кўраётган бу масканда 150 дан ортиқ олий, биринчи ва иккинчи тоифали ўқитувчилар меҳнат қилаяптилар. Жамоа бутун куч, билим ва тажрибасини «Таълим тўғрисида»ги қонун, кадрлар тайёрлаш миллий дастури, тиббиётни ислоҳ қилиш йуйича белгиланган дастурларни амалиётга тадбиқ этиш йулида сарфламоқда. Асосий эътибор сабоқларни ҳозирги замон талаблари асосида амалиёт билан уйғун ҳолда ўтиш, техник воситаларидан кенг фойдаланишга қаратилаётир.

— Ҳар хил касалликлар бўйича дарсда талабаларга кўрсатиш учун ўзимиз тайёрлаган видео-фильмлар билим юртига келган ҳамкасбларимизда айниқса катта таассурот қолдирди, — дейди Карим Миржонов мазкур анжуман ҳақида тўхталар экан. — Имтихонлар, оралиқ ва якуний назорат ишларининг рейтинг тизими асосида компьютерларда ўтказилишига ҳам қатнашчилар ижобий баҳо бердилар.

Жамоада изланувчан, фаол ўқитувчилар кўп. Улар томонидан кейинги уч йилда республика билим юртларида қўллаш учун 2 та дастур, 9 та ўқув режаси, фанлар бўйича тузилган 18 та тестлар тўплами, 4 та ўқув-услубий қўлланмалар яратилди.

Бу даргоҳ жамоаси олиб бораётган вилоят даволаш муассасаларига ўрта тиббиёт ходимлари етказиб беришдек савобли, сермашаққат ишда раҳбар сифатида ибрат олса арзигулиқ, сермазмун ҳаёт йулини босиб ўтган Карим Миржоновнинг ҳам муносиб ўрни бор.

Карим аканинг бугунги камолотида умр йўлдоши Фарида Миржонованинг алоҳида ўрни, муносиб ҳиссаси бор. Эриёли оилада тарбия топган бу аёл ҳам бир умр даволаш муассасасида врач бўлиб ишлаб келяпти. Фарида опа ҳаётнинг энг қийинлаҳзаларида Карим акага маслаҳатдош, елқадош бўлди. Кувончини бирга баҳам кўрди. Нуридийдалари тарбияси билан шуғулланишга ҳамиша фурсат топди. Ҳеч иккиланмай Гулнора ва Гулнар ота-оналари касбини танлашди.

Амалдаги йилнинг «Соғлом авлод йили» деб аталиши бежиз эмас. Бу — жамиятнинг эртанги куни ҳақида қайғуриш, чинакам истиқлолга эришиш учун энг аввало жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳам жисмонан, ҳам маънавий, ҳам руҳий соғлом бўлишини таъминлаш зарурлигининг юксак эътирофидир. Бу борада мамлакат миқёсида кенг кўламли, серқирра фаолият юритилмоқда, дастурий мақсадлар ҳаётда тадбиқ этилмоқда. Уларни амалга оширишда Карим Миржонов сингари юзлаб, минглаб ўз касбининг моҳир билимдонлари астойдил жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Ҳа, Карим Миржонов ана шундай эл сийлаган, юрт таниган шифокорлардан бири.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ.
СУРАТДА: тиббиёт фанлари доктори Карим Миржонов билим юрти талабалари билан амалий машғулот ўтказмоқда.

Мутахассис мулоҳазаси

СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

Халқимиз таниган, кўпчиликнинг севимли хонандаси билан бир йиғинда ўтириб, бир оз суҳбатлашиб қолдик. Ана шу мулоқотимиз давомида у кишининг айтиб берган кичик бир ибратли воқеаси менда катта таассурот қолдирди.

— Яқинда танишларимдан бири билан тўйдан қайтаётган эдик, — деб гап бошлади у. — Вақт алламаҳал бўлиб қолган. Кўчаларда транспортлар ҳаракати деярлик тўхтаганди. Танишимнинг уйига яқинлашиб қолганимизда светофорнинг таъқиқловчи қизил чироғи ёниб қолди. Мен одатим бўйича светофор ишорасига бўйсуниб, тўхтадим. Шунда танишим:

— «Э, ҳайдасангизчи, ҳеч ким йўқ-ку. Сизни ҳамма танийди. ДАН ходимлари ҳурмат қилишса, тўхтаб нима қиласиз» деб қолди.

Шунда мен унга:

— Бу ерда гап менинг кимлигим ёки қандай ҳурматга эга эканлигим устида эмас. Гап қонунни ҳурмат қилишда, инсон энг аввало ўзини ҳурмат қилиб яшаши керак, бировнинг ҳурматига таяниб эмас, — дедим.

Тўғрида, мана сиз ДАН ходимисиз, айтингчи, нима учун ҳайдовчиларимиз қонун-қоидаларни ҳурмат қилишмайди. Ахир мана шу қонунлар аввало биз учун, бизнинг тинчлигимиз, осойишталигимиз, ҳаётимизнинг фаровон бўлиши учун яратилган эмасми?

— Тўғри айтасиз, — дедим мен у кишига. — Қани энди барча ҳайдовчилар ҳам сиз каби фикрлаб, қонунларимизни сизчалик ҳурмат қилишса. Қанчадан-қанча бахтсизликларнинг олди олинган бўларди. Биз қонун-қоидаларни ҳурмат қилиш ҳақида гапирар эканмиз, аввало мана шу қонунларнинг ўзини яхшилаб билиб олишимиз, сўнгра унга қатъий амал қилишимиз лозим.

Бугун қўлимдаги ИИВ ДАН Бош бошқармасининг навбатчилик қисмидан тақдим этилган маълумотларни кузатар эканман, юқоридаги суҳбат яна бир карра хаёлимдан ўтди. Маълумотларда қайд этилишича, ҳар куни республикамиз Давлат автомобиль назоратчилари ҳайдовчиларимиз томонидан содир этилаётган жуда кўплаб қўпол қоидабузарликларни аниқлашмоқда. Агар бир кунлик қоидабузарликларни оладиган бўлсак, уларнинг сони 5992 тани ташкил этмоқда. Бу бир кунлик. Энди ўзингиз ҳисоблаб кўринг. Бир ҳафтада, бир ойда, бир йилда уларнинг сони қанчага етади? Келинг, ҳисоб-китобни бир чеккага қўяйликд-а, қўпол қоидабузарликлардан бири бўлган светофорнинг таъқиқловчи қизил чироғида ўтишни кўриб чиқайлик.

ДАН ходимлари республика бўйича бир кунда ўртача 150-200 та атрофида ана шундай қоидабузарликни аниқлашади. Қоидабузар ҳайдовчилар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг аксарияти шошиб турганлигини, шунинг учун светофорга эътибор қилмаганлигини айтишади. Яхши, борингки шундай ҳам бўла қолсин. Аммо бу шошқалоқлик орқали ўша ҳайдовчи қанча вақт тежашини ва у ҳайдовчининг ҳамёнига қанча зарар келтиришини ҳисоблаб кўрайлик. Светофор одатда 20-40 секунд ёнади. Борингки, бир неча тармоқли чорраҳа бўлса, бир минут ёнсин. Хўш, ана шу бир минутда нимага ҳам эришиб бўларди.

Лекин бу бир минут ҳайдовчининг ҳамёнидан, агар у бундай қоидабузарликни биринчи марта содир этаётган бўлса, 1225 сўмдан 2450 сўмгача бўлган жаримани тортиб олади. Агар бу қоидабузарлик бир йил давомида такроран иккинчи марта содир этилса 2450 дан 4900 сўмгача, учинчи марта содир этилса 4900 дан 7350 сўмгача жарима тўланади. Ахир бу кичкина пул эмас. Мана шу пулга рўзгор учун, бола-чақа учун қанча керакли нарсалар харид қилиш мумкин. Лекин қоидабузар ҳайдовчи бир минутни ютаман деб, ўз ҳамёнига, оиласининг ризқига қанчалик катта зарар келтираётганлигини ўйлаб кўрмайди. Ҳар қандай одам ҳам бир минут афзалми ёки бир неча минг сўмми, буни яхши билади. Биладию, лекин яна қоидабузарликни давом эттираверади. Майли, бу масаланинг бир томони. Энди унинг иккинчи томонини олиб кўрайлик.

Баъзан ҳайдовчиларимиз қоидабузарлик қилишганида, ёнларида фарзандлари ҳам бўлади. Биз қилаётган ишларга қараб улар ўзларига хулоса чиқаришади. Лекин буни ўйлаб кўрмаймиз. Ўйлаган тақдиримизда ҳам етарлича эътибор бермаймиз ва мана шу жойда катта хатога йўл қўямиз. Бола ҳар бир ишда катталарга тақлид қилишини унутамиз. Шундай қилиб, биз бошлаб берган «ўлкан» ишларни эртага фарзандларимиз ҳам давом эттиришади ва бу нарса назаримда тушунгамайдигандек туюлаверади.

Балки, фикрларимга бир оз эркинлик бериб, мушоҳадаларимни ошириб юборгандирман. Билмадим. Лекин қоидабузарликлар ҳақидаги маълумотларни кузатар эканман, мана шу ҳаёллар кунглимдан ўтаверади. Шунинг учун ҳам қўлимга қалам олиб, уларни сиз билан баҳам кўргим келди. Мен бу билан кимларнингдир нафсониятига тегмоқчи эмасман. Мақсадим битта. У ҳам бўлса, йўлларимиз равон, ҳаётимиз фаровон бўлсин, дейман. Сиз бунга нима дейсиз?

Мансуржон РИХСИЕВ,
Узбекистон Республикаси ИИВ ДАН Бош Бошқармаси катта инспектори, милиция майори.

● Қутлов

КУНЛАРИМИЗ МУДОМ ҚУВОНЧЛИ БЎЛСИН

Иқтидорли ижодкор, журналист, азиз дўстимиз Маҳмуджон Комилжонов республикамиз мустақиллигининг 9 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонлари билан давлатимизнинг юксак унвони — «Узбекистонда хизмат кўрсатган журналист» деган шарафли номга сазовор бўлди. Мактабдош, ҳаммаҳалла қадрдонимни юксак унвон билан табриклар эканман, дил изҳоримни шеърий мисралар орқали баён этишга жазм этдим:

Дўстлар дийдоридан ёришади тун,
Орзулар оғуши сарбаланд бу кун.
Манзилга етармиз баримиз бутун,
Маҳмуджон, табаррук унвон муборак!

Дўстим, ҳар кимга ҳам бу бахт берилмас,
Унга эришмоқнинг ўзи ҳам бўлмас.
Бу озод юрт—халқнинг сенга ишончи,
Кутлуғ, соф қаламнинг изли қувончи.

Орзулар бунёддир эзгу тилакдан,
Ёзасиз доимо юрак-юракдан.
Юртим иқболини мадҳ этдинг тинмай,
Куч-қувват кетмасин толмас билакдан.

Мустақиллик, тинчлик, берди бизга бахт,
Уни эъзозлайлик, асрайлик ҳар вақт.
Йўлимиз ҳамиша ёруғ, оқ бўлсин,
Кунларимиз мудом қувончга тўлсин.

Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи.

ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ ЯҚИН

Бугун Лойлиқ ҳаётнинг қайнаб турган мўъжаз парчасига айланган. Массивда Сариосиё ва Узун туманларининг тоғли ҳудудларида рўй берган воқеалар туфайли жабр кўрганлар доимий истиқомат қилишлари учун янги шаҳарча қад ростлаяпти. Шаҳарчани «Сариосиё қурилиш» трестининг қўли гул бунёдкорлари амалга оширмоқдалар.

— Шу йилнинг биринчи ноябрига қадар 28 та турар-жойни ўз эгаларига топширамиз. Ана шу мақсадда 6 та қурилиш участкамиздан 160 нафар қурувчини Лойлиққа жалб этганмиз, — деди «Сариосиё қурилиш» трестининг бошқарувчиси Е. Захаров «Туркистон-пресс» мухбири билан бўлган суҳбатда.

Қисқа фурсат ичида Лойликда 10 та янги уй қад кўтарди. Бугунги кунда пардозлаш ишлари давом этаётир. Яқинда яна 4 та янги уйнинг томини ёпиш ниҳоясига етказилади. 10 та уйда қурувчилар гишт теришмоқда. Жойларни иложи борича, белгиланганидан бир кун бўлсада олдинроқ жабрланганлар ихтиёрига топширишдир.

Қад ростлаётган шаҳарчада ишлар икки сменада ташкил этилган. Хоҳ кундузи, хоҳ тун бўлсин, қурилиш жадал суръатда давом этаяпти. Қурувчилар бир зум ҳам бекор туриб қолишаётгани йўқ. Деновдаги 2815-автокорхонанинг ҳайдовчилари қурилиш анжомларини вақтида етказиб келмоқдалар. Лойликда бунёд этилаётган шаҳарча қуриб битказилишига оз вақт қолди. Ҳадемай янги уйларда ҳовли тўйлари бошланади.

—Дастурхонингиздан ҳамиша нон аримасин! || —Юртимизни бало-қазолардан ўзи асрасин!

● *Армон*

МЕН ҚАЙТАРМАН...

(Тўғри йўлдан адашиб, қамоққа тушган ўғилнинг онасига мактуби)

Мени кутгил
Ва мен қайтарман,
Дилимдагин
Келиб айтарман.
Кечир мени,
Кечир, онажон,
Сендан бўлак
Йўқдир жонажон.
Мен ёш эдим,
Ахмоқ эканман,
Билмайин нақ
Босиб тикан ман,

Мени кутгил
Ва мен қайтарман,
Омон борсам –
Ўзим айтарман,
Дунёдаги
Танҳойим онам,
Руҳим қақшаб,
Кўзларимда нам.
Хўп адашган,
Нонкўр болангни,
Юрак ўртар,
Ички нолангни
Кечиролсанг
Ва кутсанг бўлди,
Кўриб, ғаминг
Унутсанг бўлди.
Борсам – бошда
Кўтариб сени,
Едирардим
Истасанг нени...
Оборардим
Ҳажга опичлаб,
Ичирардим
Замзам ҳовучлаб,
Айтганларинг
Айлардим бажо,

Кучу қудрат
Берса гар худо.

Мени кутгил
Ва мен қайтарман,
Насиб қилса
Яна айтарман:
Кўзин шира
Босганлар билсин,
Ҳақ йўлидан
Озганлар билсин.
Ҳа, бир ҳисоб –
Улар ҳам кўрсин,
Очишиб кўз,
Ақлин тўлдирсин.
Қайтмас бўлиб
Ичсинлар қасам –
Озод бўлиб
Яшар деб одам!

О, билмасди
Махбус бечора
Куя-Куя
Она ўлганин,
Фарёдига
Тополмай чора,
Кўзларига
Тупроқ тўлганин.
Чиқса ўғил
Қон йиғлар албат,
Худойимга
Чўзар қўлини.
Бир умрга
Армон бу кулфат,
Зора топиб
Олса йўлини...

Ўлмас
МУҲИДДИН.

ҚАҲҚАҲА

Икки тоғлик учрашиб кимнинг қишлоғидаги тоғлар баландлиги ҳақида баҳслашиб қолишибди.

— Бизда эрталаб туриб, тоғларга қараб: «хотин» деб қичқирсанг, тушгача аксадо бериб туради.

Унда сизники тоғ эмас тепалик экан. Мана бизнинг тоғларни тоғ деса бўлади. Эрталаб туриб «хотин», деб бақирсанг кечгача «қани,қани», деган акс-садо эшитилиб туради.

* * *

Бир киши қўшнисининг дарвозасини тақиллатди. Роса тақиллатса ҳам ҳеч ким жавоб бермади. Аммо эринмай дарвозани мушт билан ураверди. Охири дарвоза олдига кучук келиб шундай деди:

— Ҳой амаки, бас қилинг, уйда ҳеч ким йўқ.

Буни эшитган қўшни ўзидан кетиб қолди. Ўзига келгач:

— Ҳой кучук, нима, вовуллашни билмайсанми?

— Биламан, аммо сизни бир қўрқитиб қўймоқчи эдим-да!

* * *

Хизмат сафаридан қайтган эр ётоқхонасида хотинининг инграган товушини эшитиб ичкарига киради. Хотин ўринда ётибди.

— Нима бўлди?

— Юрагим безовта қиляпти, чоп «тез ёрдам» чақир.

Эр йўлакдаги телефонга югурди ва кичик ўғлига урилиб кетади.

— Бу ерда нима қиляпсан?

— Дада, шкафда Вася амаким ўтирибдилар.

Эр қараса ҳақиқатан шкафда қўшниси ярим яланғоч ўтирибди.

— Аҳмоқ эксанс, у ёқда хотинимнинг юрак касали хуруж қилиб ётсаю, сен бўлсанг ёш бола билан бекинмачоқ ўйнасанг, — дебди эр жаҳли чиқиб.

* * *

ДАН ходими ҳайдовчини тўхтатди:

Марҳамат қилиб ҳужжатларингизни кўрсатинг. Демак, ҳужжатлар жойида. Аптечкангиз борми?

— Мана, бемалол кўришингиз мумкин.

— Машина тасмаси борми?

— Албатта.

ДАН ходими нимани сўраса, ҳайдовчи кўрсатмоқда. Охири асабийлашиб деди:

— Магнитафон борми?

— Бор.

— Шўх лентачи.

— Унақаси ҳам бор.

— Кўй бўлмаса.

Шўх мусиқа янграйди. ДАН ходими бирдан ўйинга тушиб кетади. Анграйиб қараб турган ҳайдовчига қараб деди:

— Ҳеч бўлмаса, қистирсанг бўлмайдими, номард.

* * *

ДАН ходими машинани тўхтатиб ҳужжатларни синчиклаб текширади. Хуллас айб тополмади. Лекин баҳона қидираверди. Охири асабийлашган ҳайдовчи:

— Сизни аҳмоқ десам нима бўлади?

— Мен хизматдаман. Бунинг устига мудирни ҳақоратлаган бўласиз. Жарима тўлаб қутилмайсиз, қамаласиз, — деди.

— Шу сўзни ичимда айтсамчи?

— Билмадим. Ўйлаш менимча таъқиқланмаган.

— Унда ўйлашимча сиз аҳмоқсиз.

* * *

Бир куни иккита ит учрашиб қолди. Биттасининг ҳамма жойи ёрилган. Оёғини зўрға босяпти.

— Сенга нима бўлди?

— Хўжайиним урди.

— Нимага?

— Уни тишлаб олдим.

— Нега тишладинг?

— Биласанми, у ит эмган ичиб олиб, байрам куни менинг медалларимни тақиб олибди.

* * *

Шифокор гинеколог бошқа шифокор қабулига ойисини келтирди.

— Олмасой (аслида исми Олмосой) Бўриевна! Ойимни яхшилаб текширинг, Менинг бир «запчастим» қолиб кетган, зора топилса, дея ҳазиллашди.

Онахон ҳозиржавоблик билан:

— Қизим, бу опангиз менга азоб бериб, қўпам овора бўлиб излайвермасин. Ундан кейин тўғилган укаси уша «запчастни» илиб кетган...

* * *

Дўхтир, сиз тиш қўйганингиздан кейин тишим 33 та бўлиб биттага кўпайибди-ку? — деди мижоз.

— Эй, опахон бу дунёда сизнинг ризкингиз ошибди-ку, қувонмайсизми?

— Ҳафа бўлманг? — деди навбатда турган мижозлардан бири — дўхтир, ҳам ўз ризкини унутадиган анойилардан эмас.

● *«Адолат»га жавоб берадилар*

«ДЕҲҚОН БОЗОРЛАРИ КИМНИКИ? ОЛИБ СОТАРЛАРНИКИМИ!

(«Адолат» газетаси, 2000 йил 3 сентябрь, №33)

Юқоридаги сарлавҳа остидаги мақолада Фарғона вилояти бозорларидаги ғайриқонуний олибсотарлик, санитария-гигиена қоидаларига риоя этмаслик, маҳсулот етиштирувчилар билан савдо харид идоралари ўртасидаги шартномаларни бажармаслик, патта йиғимларидан тушадиган маблағларни ўзлаштириш ҳолатлари хусусида танқидий фикрлар баён этилганди. Яқинда Фарғона вилояти ҳокимлигидан қуйидаги расмий жавоб олинди:

«Деҳқон бозорлари кимники? Олибсотарларникими? сарлавҳали мақола вилоят ҳокимлигида тегишли мутасадди ташкилотлар ҳамда бозорлар раҳбарлари, бозорлар қошидаги савдо харид бўлими бошлиқлари ва бош ҳисобчилари иштирокида кенгайтирилган муҳокама йиғилиш ўтказилиб, аниқ таъсирчан чора-тадбирлар белгиланди.

Ички ишлар, солиқ, бозорлар ходимлари билан биргаликда бозорлардаги товламачи, олибсотар ҳамда тартиббузарларга қарши курашиш учун доимий ишчи гуруҳлари тузилди. Ҳамма деҳқон бозорлари ҳудудида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини текшириш, юклаш учун махсус майдонлар ташкил этилган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар билан савдо харид бўлимлари ўртасидаги тузилган шартномалар амалдаги қонунлар асосида бажарилиши қаттиқ назоратга олинди.

Вилоятдаги мавжуд бозорларда санитария—гигиена талабларига тўла амал қилиш мақсадида ҳар ойнинг бир кунини тозалик куни деб эълон қилинди.

Деҳқон бозорларига келтирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ветеринария лабораториялари кўригидан ўтказиб, сўнг бозорга киритиш жорий этилди.

Фарғона шаҳар деҳқон бозори ҳудудида жойлашган «Имкон» хусусий фирмасининг фаолияти тўхтатилди.

Риштон туман деҳқон бозори паттачиси Н. Абдулҳамидов 11670 сўм бир мартадан йиғим пулини ўзининг шахсий манфаатлари учун ишлатиб юборгани учун жиноий жавобгарликка тортилган. Бозорда кирим чиқим ҳисоботи назоратини бўшаштириб юборгани учун бозор бош ҳисобчиси А. Аъзамов вазифасидан озод этилди.

Қиргули туман деҳқон бозорида барча тадбиркорлар савдо расталари билан таъминланган. Шунингдек, бозор ҳудудида чиқиндиларни тартибга келтириш мақсадида махсус ахлатхона қуриб битказилди.

Бешариқ ва Олтариқ туманларида олибсотарлик билан шуғулланган шахсларга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан чоралар қўлланилди.

Боғдод туман деҳқон бозори қошидаги савдо ҳарид бўлими томонидан тузилган шартномалар шартларини бажармаганликлари учун савдо ҳарид корхонаси раҳбари Ғ. Маматқулов ҳамда бош ҳисобчи О. Муминовлар ўз вазифасидан озод этилди.

К. САЛОҲИТДИНОВ,
Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари.

● *Соғлом бўлай десангиз...*

Янги тадқиқотларга кўра аспирин юрак хуружининг олдини олишдан кўра кўпроқ зарар келтиради. Англияда чиқадиган журналда чоп этилган тадқиқот натижаларига кўра, юқори қон босимидан азоб чекаётган эркакларга аспирин салбий таъсир кўрсатмоқда.

ОЛМА ЕНГ...

Саратон, яъни рак касаллигининг олдини олиш учун витамин таблеткаларини истеъмол қилгандан кўра, олма еган афзалроқ экан. Айтишларича, олмада бу касалликни тўхтатадиган шифобахш омиллар бор экан. Одамлар доимо олмани соғлиқ учун фойдали эканлигини таъкидлаб келганлар. Лекин бу меванинг витамин таблеткаларга нисбатан қанчалик яхши экани ҳали маълум эмасди. Олимларнинг айтишича, мевалар ва сабзавотлар рак касаллигига ўхшаш касалликларда оғриқни пасайтиради.

Таркибида С витамин бўлган дорилар соғлиқ учун, албатта яхши. Лекин улар эндигина узилган мевалардан шифобахш моддалар каби таъсир қилавермайди. Олмада антиоксидиан моддаси бўлиб, у саратон ва қариш касалликларини чиқарадиган молекулаларни нейтраллаштирар экан. Олма таркибида ва пўстида питори деб номланадиган модда рак касаллигига қарши истеъмол қилинган витаминдан кўра кўпроқ фойда келтирар экан. Бир сўз билан айтганда, ҳар куни витамин таблеткаларни ичиб юргандан кўра, ҳар куни битта олма еб юрган афзалроқдир.

АҚШдаги Биотехнология ширкати янги антибиотик ишлаб чиқарди. Бу модда туберкулёзни келтириб чиқарувчи бактерияларни ўлдиради.

● *Ажаб савдолар*

МАЙМУННИНГ ЎЛИМ ЗАРБАСИ

Америка Қўшма Штатларининг Ўрта Ғарб штатларида яшовчилар аввалари хийла таниқли боксчи бўлган Мартин Рич ўзининг «Сэм» лақабли горилласи билан шаҳарма-шаҳар кезиб, бокс тушишига қўникиб қолган эдилар.

Мартин бу эркак маймун боласини ёшлигидан боқиб олган ва бокс тушишга ўргатган эди. Маймун катта бўлиб, Мартин билан рингда ўйин кўрсата бошлади ва бокс маҳоратини юксак даражада эгаллаб олди. У рингда ўйноқлаб сакрар, тишларини тиржайтирганча ҳужумга ташланар ва ўз эгасининг кўринган жойига мушт тушираверарди.

Яқинда ўтказилган ўйин пайтида маймун шунчалар «ролга кириб» кетдики, беҳосдан ўз эгасига қақшатқич равишда мушт туширди. Бу зарба кучидан Мартин бир чайқалиб, ринг узра беҳуш қулади. Врачлар унинг бўйин умуртқалари узилиб кетганлигини ва зум ўтмай тарки дунё қилганлигини қайд этдилар...

«Туркистон-пресс»

● *Замон ва тақдир*

Қўҳна тарихимиз саҳифасидан жой олган саксонинчи йиллар қатағони ҳамон юракларни зирқиратади. Сен ватанга, замонга фидойи бўлсангу пешонангга туҳмат тамғасини босишса, сен ҳалол бўлсангу харомлар қўлини бигиз қилиб, «йўқот сарқит»ни, деб зуғум қилишса, бунга қалбинг қандай дош беради?!.

ТУҲМАТ

ёки судья М. Қуроновни бадном қилиш кимга керак бўлган эди?

Наманганлик Маҳмуджон Қуронов ана шундай куйганлардан бири. Аввалига уни «Аҳмаджон Одиловнинг одами» деб айблашди. Бунга асос қилиб унинг Поп тумани суди раиси вазифасидан Узбекистон Республикаси Олий суди аъзоси лавозимига кўтарилганини кўрсатдилар. Бу билан марказ вакили бўлган «тартиб ўрнатувчи десантчилар» бир йўла иккита мақсадни кўзладилар.

Биринчиси — ўша пайтда қамоқда бўлган Одиловга қарши яна битта далил тайёрлаш; иккинчиси — «десантчилар»нинг тегирмонига сув қуйиб турган маҳаллий малакларга ўз «сахийликлари»ни кўрсатиб қўйиш эди. Ўша йилларда Узбекистоннинг тақдири маҳаллий раҳбарлар қўлидан чиқиб, Москва юборган кишилар қўлига ўтганди. Бутун Узбекистон халқини, унинг ақлли фарзандларини, айниқса, тадбиркор, билимдон раҳбар ходимларини бадном қилиш кампанияси тепасида Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби Анишчев, республика Бош прокурорининг биринчи ўринбосари Гайданов, Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Дидаренко ва Адлия вазири ўринбосари Рукинлар туришарди.

Анишчев, Гайданов, Дидаренко ва Рукинлар Узбекистонда шундай вазият яратдиларки, ҳамма қора, ҳамма раҳбар яроқсиз, фақат ўз шахсий манфаати учун мусичани йиртқич қуш дейдиган кимсалар, «юғурдак»ларгина уларга ёқиб қолди. Наманганда шундай кишилардан бири ҳуқуқшунос Иброҳим Холматов эди. Унинг 1988 йил 30 августда вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби Н. В. Рябовга ёзган хатидаги мана бу сатрларга эътибор беринг: «у давлат жиноятчиси Аҳмаджон Одилов тўдасининг аъзосидир. Бу факт Иттифоқ прокуратураси тергов ходимлари томонидан Одилов жиноий ишини тергов қилиш пайтида тасдиқланган».

И. Холматов ким эди ўзи? Вилоят прокурорими? Ички ишлар бошқармаси бошлиғими? Ёки улардан ҳам юқори лавозимда ишловчи раҳбарми? У ҳеч ким эмас, истеъфодаги милиция майори эди, холос.

Шу ўринда илгари Маҳмуджон Қуроновнинг Тошкентга ёзган хатлари, талаблари қисман қондирилганини эслатиб ўтамиз. 1990 йил 3 июлда у СССР Прокуратураси Тергов Бош бошқармасининг терговчиси А. Н. Юмашкиндан расмий хат олди. Бу хатда М. Қуроновнинг Аҳмаджон Одилов ишига ҳеч қандай алоқаси йўқлиги айтилган. Аммо Маҳмуджон Қуронов «ишончсиз кишилар» рўйхатида қолаверди.

Гапни сал нарироқдан бошласак. Маҳмуджон Қуронов Поп туман судьяси бўлиб ишлаб турган пайтда, аниқроғи, 1977 йил 6 октябрда Ботиров деган шахс 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Орадан ўн бир йил ўтгач, бу далил кимларгадир керак бўлиб қолди. Бу пайтда Аҳмаджон Одилов қамоқда эди. Демак, сулаймон ўлиб, девлар қутирган пайтда Ботиров ишини қайта кўзғаш орқали Турақўрғон туман судининг раиси Маҳмуджон Қуроновга қаттиқ зарба бериш имконияти туғилди. Бироқ бу далил оз, яна битта қораловчи далил топилса бас...

Буни ҳам топишди. Турақўрғонлик А. Қодиров бир йилу 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш иши билан жазоланган эди. Шошилинч чоралар кўрилди. Ҳар иккала иш нохолис кўрилган деб «хулоса» чиқарилди. М. Қуроновга интизомий чора кўриш лозим бўлиб қолди. Бироқ вақт ўтган дейилиб, интизомий иш ёқтирилмади. лекин таъқиблар тўхтамади. Охири туман суди раисини муддатидан илгари чақириб олиш бўйича бутун туманда сайловчилар овозини тўплаш компанияси бошланди.

Бунгача М. Қуроновнинг ҳовли-жойлари улчанди, текширилди. Ҳатто қайнонаси яшаб турган кулба ҳам четда қолмади. Фақат Қатағон-Сарой қишлоғида эмас, бутун Турақўрғон туманида «бугун-эрта Қуронов қамаларкан, уйларини хатлаб кетибди» деган янги эмас) кресло сўраб олган, кейин яна қайтариб берган эди.

Н. В. Рябов хатни текшириш учун обкомнинг маъмурий органлар бўлими йўриқчиси Даврон Раҳмоновга топширди. Бу топшириқ айни муддао эди. 1974 йилда М. Қуронов Наманган шаҳар судида судья бўлиб ишлаганда Д. Раҳмоновнинг укасини жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида ажрим чиқарган ва шу ажримга асосан у жиноий жавобгарликка тортилган ва 1976 йилда икки йилга озодликдан маҳрум этилганди. Бундан ташқари Даврон Раҳмонов вилоят ички ишлар бошқармасида ишлаб юрган кезлари у тергов қилинган қатор жиноий ишлар бўйича Қуронов билан кўп келишмовчиликлар бўлиб ўтган. Шу сабабли Д. Раҳмонов М. Қуроновдан уч олиш вақти келганидан фойдаланиб енг шимариб ишга киришди. Кресло масаласи ҳам катта жиноят деб қаралди. Суд ходимлари «бу креслони М. Қуронов «уйига олиб кетмаган» дейишса ҳам, Д. Раҳмонов «уйига олиб кетиб, ўзлаштирган» деган «қатъий» хулоса чиқарди. Аммо, негадир, у суд раисининг ўзидан сўрашни «унутди». Раҳмонов делони кўрсатиб, «М. Қуронов бир ҳафта ичида қамалади, деб дўқ-пўписа қилди, сенсираб гапирди. Сен қишлоқ Совети раиси бўлатуриб томорқасини 2 сотих кам ёзгансан, солиқ олмагансан, деди. Мен унга «ерни ҳисобчи ўлчаб беради, солиқни молия белгилайди», деб тушунтирдим. Лекин у тушунишни ҳоҳламади. Ушқирди, сен ҳам қамаласан, деб қўрқитди. Натижада айб бизда, деб қутилдик, бошқа иложи бўлмади».

Иккинчи далил: К. Маркс номли колхознинг ҳисобчиси Мамадали Исроиловнинг тушунтириш хатидан:

«Мен 1986 йилдан 1990 йил апрелигача колхозда ер ҳисобчиси бўлиб ишладим. 1988 йил 9 декабрь куни вилоят партия қўмитасининг ходими Даврон Раҳмонов хонасига чақирилдик. У менга дафтарда М. Қуроновнинг 10 сотих ери бор деб ёзилганини, ўлчовда 13 сотих чиққанлигини айтди. Мен кейинги ўлчовда ҳовлидан ташқаридаги жойлар ҳам қўшиб ўлчанган, қишлоқ хўжалик солиғи 10 сотих учун тўғри олинаяпти, дедим. Д. Раҳмонов «Маҳмуджон Қуронов яна бир ҳафтадан кейин қамалади, сизлар ҳам бу ишларинг учун жаваб берасизлар» деди. Ўша ерда Қуроновнинг томорқасини 10 сотих ўрнига 13 сотих қилиб қўйдик».

Даврон Раҳмонов — терговчидан чиққан партия ходими. Шу учун унинг гаплари, хатти-ҳаракатларини чаласавод, қонунни билмайдиган кишиники деб бўлмайди. У М. Қуроновдан қасд олишдан ташқари обком котиби Рябовга яхши кўриниш учун ҳам унга маъқул келадиган иш қилмоқчи эди.

Туҳматдан иборат аризани текшириш айнан Раҳмоновга топширилгани учун М. Қуронов Н. В. Рябов қабулига кириб улар орасида аччиқ-чучук гаплар бўлиб ўтганини тушунтириб ишни Д. Раҳмоновга топширмаслигини ёзиб илтимос қилди. Лекин Рябов бу илтимос (аслида талаб)ни сариқ чақага олмади. Қуроновнинг хати маъмурий бўлим тортмасида ранг босиб ётаверди. Аммо кресло масаласи, ортиқча ери бор деган хат тушиши биланоқ Рябов ҳам тезкор ходимга айланди. Текшириш эндлик билан бошлаб юборилди.

Атайлаб Маҳмуджон Қуроновнинг акасини жиноий жавобгарликка тортиш билан уни суд раиси лавозимига сайламасликка ҳам уруниб кўришди. Бу ишдан натижа чиқмади. Ғийбатчию туҳматчилар хатто қабрда ётган онаизорнинг арвоҳини ҳам тинч қўйишмади. Қуронов 1985 йил апрелида онаси қабрига 120 сўмлик хотира тоши қўйган эди. Шу тошни 8000 сўмлик деб ёзишди. «Яна телевизор, магнитафон сотиб олди» деб гийбат қилишди. Бунинг устига «у яқинда қамалади» деб сайловчиларни алдашди.

Суд раисини чақириб олишга бағишланган йиғилишлар ана шундай бошланди. Бироқ бу ҳам камлик қилди. Овоз бериш натижаларини қасддан бузиб кўрсатишди. Йиғилишларни тўғри, қонуний ўтказган комиссия аъзоларига дағдаға қилишди. Уларни сохта протоколлар тузишга мажбур этишди ёки ўзлари «тўғрилаб», «хатоларни тузатиб» қўйишди.

Қуйидаги мисолга эътибор қаратинг: «Сайрам қишлоқ шуросига қарашли Будённий маҳалласи сайловчилари йиғилишида протоколда «246 киши қатнашиб, 243 киши М. Қуроновни судьяликдан чақириб олиш учун овоз берди. Қолган уч киши бетараф қолди. Бекобод маҳалласида 379 сайловчидан 377 нафари чақириб олинсин деб овоз берди, 2 нафари қарши чиқди» дейилган. Таажжуб, бу йиғилишларга ўша пайтда Сайрам қишлоқ шуросининг раиси бўлиб ишлаган Пулатжон Турдибоев раислик қилган. Анча кейин, яъни шу сайловлар ҳалол ўтмаганлиги ҳақида аризалар тушиб, бу иш текшириб кўрилаётганда, ғалати ҳолга дуч келинди. Пулатжон Турдибоев протоколдаги ўз имзосини танимади. Аниқроғи, бу имзо сохта, бировники эди.

Хуллас, 1989 йил 7 феврал куни халқ судьясини чақириб олиш бўйича тузилган Турақўрғон туман комиссияси 35418 сайловчидан 25321 нафари М. Қуроновга қарши овоз берди деб, уни судьяликдан чақириб олинганини маълум қилди. Рақиблар «ура!» деб қарсак чалдилар, дустларнинг қалбига йиллар, ўн йиллар давомида ҳам эримайдиган муз парчаси ташланди.

Маҳмуджон Қуронов бош эгмади. Чунки, у ўзининг ҳақлигига, бу қора кунлар қачондир барҳам топишига ишонарди. Қонунга сўниб, тегишли идораларга мурожаат қиларди. 1989 йил январь, февраль ойларида ўтказилган сайлов натижалари сохталаштирилгани тан олинди. Бу орада истеъфодаги милиция майори Иброҳим Холматов қилмишларига яраша судланди. Кейинроқ у руҳий касал деб топилди ва жиноий жавобгарликдан озод этилиб, мажбурий даволаш чораси қўлланилди. Бу қисматми ёки туҳматга яраша ажри-мукофотми?!. Худо биласди!

Ун тўққиз йил суд идораларида, шундан саккиз йилини Олий суд аъзоси лавозимида ишлаган Маҳмуджон Қуронов ҳеч бир асоссиз кўп йил азиётларда, таҳликада яшади. Агар масала шундай қолаверса, болаларим, набираларим, ҳамкишлоқларим олдида ким бўлиб қоламан. Улар мени тушунармикан, деб ўйларди у узоқ тунларда уйқуси қочиб. Ҳайрият, М. Қуронов бутун халқ олдида ўзини оқлади. У яна одамлар тақдири учун, адолат учун қабул қилинди. Ортда қолган ғалвали, ғоҳ ширин, ғоҳ аччиқ йиллар эса болалари, набиралари учун сўзлаб берса арзийдиган ҳаяжонли эртак бўлиб қолди.

Аммо адвокат сифатида қонун устиворлиги учун курашаётган Маҳмуджон Қуронов қалбининг бир парчаси ҳамон изтиробдан ҳалос бўлмаган. «Еш куч» журналининг 1992 йил 5-сонида «Аҳмаджон Одиловнинг одами» сарлавҳали мақола босилгач, республика прокуратураси ва Адлия вазирлиги томонидан текшириш ўтказилди. Шунда М. Қуроновга нисбатан жиноятқорона ноҳақлик қилингани тасдиқланди. Оқибатда Бош прокурор ўринбосари имзоси билан Турақўрғон туман ҳокими О. Бозоров номига тақдимнома юборилиб, М. Қуроновни судьяликдан чақириб олиш бўйича тузилган туман комиссиясининг 1989 йил 7 февралдаги қарорини бекор қилиш тавсия этилди. Аммо ҳоким асоссиз важлар билан бу тақдимномани оқибатсиз қолдирган.

Аслида тақдимнома туман ҳокимига эмас, туман сессиясига ёзилиши лозим эди. Шундан фойдаландими, бошқа сабабданми, ҳар қалай О. Бозоров Тошкентга мужмал хат жўнатди. Бу хатда прокуратура тақдимномаси рад этилдими, йўқми — буни тушуниб бўлмади.

1992 йил 25 сентябрда «Халқ сўзи» газетасида «Рябовчилар қурбони нега ҳанузгача сарсон» сарлавҳали мақола босилди. Бу мақолада ҳам М. Қуронов ноҳақ кўргин қилингани, унинг ҳақ талаблари эшитилмаётгани ҳақида жиддий фикрлар билдирилди. Аммо шундан кейин ҳам Қуронов иши билан ҳеч ким жиддий шуғулланмади.

Маҳмуджон Қуронов ана шундан безовта. У ечилмай қолган бу тугун ечилишидан жуда-жуда умидвор. Республика прокуратурасидаги бугунги ишчанлик, адолат тантанаси учун олиб борилаётган қатъият ундаги умид гунчаларига озуқа бермоқда. Чунки адолат эгилади, амо ҳеч қачон синмайди.

Саминжон СУЛТОНОВ,
журналист.

АДОЛАТ
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Улуғбек ДОНИЁРОВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Акмал ҚОСИМОВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ, Акбархўжа РАҲИМОВ, Каримжон РИҲСИЕВ, Равшан ХАЙДАРОВ, Мурод ҚАЛОНХОНОВ, Дилмурод КИРҒИЗБОЕВ.

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64.
Эълонлар бўлими: 136-55-96.

Навбатчи — Илҳом СИДДИҚОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г— 837, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар. Кўлёзмалар муаллифларга қайтаримайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босмага топшириш вақти—20.00. Босмага топширилди 19.30.

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.